

У32
А 15

СОБИР
АБДУЛЛА

Вождьлар



СОБИР
АБДУЛЛА



Боялар

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

БИБЛИОТЕКА ИГП

Ш. № 66475

1963 г.

07

~~1963~~ Давлат бадий
адабиёт нашриёти
Тошкент 1963

Ҳаётимизда баъзи бир шахслар учраб қоладики, баъзиларининг қўллари эгри, баъзиларининг қилган ишлари телва-тесқари, феъллари одамга ёқмайди.

С. Абдулла бу китобчасидаги ҳажвий ҳикояларида ана шундай шўрваси тўкилиб, обрўси кетган ва кетаётганлар устидан аччиқ кулади, уларни одамлармас, соялар, дейди.

Абдулла Собир.

Соялар. Ҳажвий ҳикоялар. Т. Ўзадабийнашр.
1963.

72 бет.

Абдулла Сабир. Тени. Юмористические рассказы.

ДАМИ ЧИҚИБ КЕТДИ...

Артель аъзоси Шокиржон ака билан хотини Ойшахон опага ўғлини уйлантириш ташвиши тушиб, тўй камчиликларини анча тўлғазиб қўйилган бўлса-да, эндиги ойлик тўйга сўйиладиган бўрдоқи қўйга мўлжалланган эди.

Шокиржон ака ойлик олган кунининг эртасига чоршанба бозор тўғри келиб қолиб, эрхотин маслаҳатлаша кетдилар:

— Эртага ишхонангиздан бир соатга жавоб олинг, дадаси, бўладиган ишнинг ўз вақтида бўлгани яхши, нонуштагача қўй бозорига бориб, семизроқ қўй олиб келинг, тўйгача яна боқиб, семиртириб турамиз.

Шокиржон ака артель идорасига телефон қоқиб, бир соат кечикиброқ боришга ижозат олди-ю, пулни белига тугиб, калта арқонни қўлтиқлаб, қўй бозорига томон йўл олди.

Ҳар ерда ҳам таниш-билишнинг бўлгани яхши. Айниқса қўй бозорида жуда эҳтиёт бўлиш керак, билиб-кўриб олмаса, одам алданади. Шокиржон ака бирда бу бозорга иши тушмаган одам бўлганлиги учун алданиб қолмайин деб, бозордан «кўз»лироқ таниш одам қидирди, бу қидириш бекор кетмай, таниш,

ишончли одамга йўлиқди. Бу одам қўй бозорида кўпроқ айланувчи эски қассоб, қадрдон Султонқул ака эди.

— Ҳа, нима қилиб юрибсиз, Шокиржон ака?

— Сизни истаб юрипман-да... Хабарингиз бор, яқинда ўғилни уйлантирмоқчимиз, шуни ҳаракати... Семизроқ қўй олиб берсангиз...

— Сиз шу ерда туринг, Шокиржон ака, мен бозорни бир кўздан кечирай-чи, ажаб эмас, бахтингиз очилиб, бирорта қўлда боқилган семизроғи учраб қолса..

Султонқул қассобнинг учраб қолганидан Шокиржон ака беҳад севинди. Тўғриси ҳам шу: чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор, Султонқул қассобларнинг қўли тарови бўлиб қолган, қўйнинг човига қўл югуртириб туриб, қанча ёғ, қанча гўшт қилишини айтиб берадиган одамлар.

Султонқул қассоб узоқдан туриб, Шокиржон акани имлади. Шокиржон ака қўйларни оралаб, бозорнинг четроғида қора бўрдоқини ушлаб турган паранжили хотиннинг қўлини энги устидан қаттиқ ушлаб, силкитаётган Султонқул қассобнинг ёнига етиб келди:

— Мен холис, бу қўйни мана бу акам оладилар. Хўп денг, холажон!

— Йўқ, айланай, ҳозир тўқсон сўмга бермадим, сизга етмиш бешга бераманми? Ман буни икки йилдан бери жўхори, кепак, нон билан боққанман, бутун бадани ёғ бўлиб кетган, ахир.

— Жон синглим, айланай синглим, ман қўйингизни ориқ деяётганим йўқ, ҳақиқатда яхши семиртиргансиз. Майли, она сутидан ҳа-

лол яна бешта қўшамиз, саксон! Энди хўп денг!

— Йўқ. Бўлгани юз!..

Султонқул қассоб хотиндан койиб, Шокиржон ака билан яна бозор оралаб, бошқа бўрдоқи қўйларни кўра бошладилар. Аммо Султонқул қассобга ҳеч қайси қўй маъқул бўлмади:

— Хотин қурмағур хўпам боққан экан-да. Баданига қўл ботмайди, тоши ҳам оғир, совлиғи тушмағур шундай ёр бўлиб кетибди! Кўр-япсизми Шокиржон ака, бошқа қўйларнинг савлати бору, аммо унинг олдида пўс-так!

Шокиржон ака қўшоқдаги бир семиз қўйни чоғлаган эди, Султонқул Шокиржон аканинг энгидан аста тортди:

— Тағин ўшанинг ўзи тузук. Бир оз ошамиз. Ўзингиз ҳам бир ушлаб, чамалаб кўринг, бадани тош!.. Тош!.. Ёлчийсиз. Ўзиям қўйми-сан қўй-да, яна ўн сўмни баҳридан кечингу, хурсанд бўлиб, етаклаб кетаверинг!

Етаклашиб, иккалалари яна қўй ушлаб турган паранжили хотиннинг олдига бордилар. Султонқул қассоб хотиннинг кафтига 85 ни босиб, силкиб, барака топ қилди, хотин жеркиб ташлади:

— Айтдим-ку тўқсонга бермаганман деб. Қанақа даллолсиз? 30 кило ёғи, 50 кило гўшти бор!

— Дарҳақиқат тўғри,— деди Шокиржон аканинг қулоғига Султонқул қассоб:— менинг мўлжалимни айтди хотин тушмағур. Шу мўлжалдан ортса ортиқки, кам эмас! Келинг, Шокиржон ака, тўқсонни бериб кўрайлик, биздан

бошқа жазман харидорлари ҳам бор, бекорга шундан қуруқ қоламиз!

Шокиржон ака ошнасининг гапига ишонишга мажбур. Чунки совлиқ кичик бўлишига қарамай, тахтакачдек, бозорда мунчалик биққи қўй йўқ деса бўлади, Султонқул қассоб бир нарсани билмай мунчалик ёпишмайди.

Гапнинг қисқаси, Султонқул қассоб кўп уриниб, хотинни кўндирди, хотин пулни санаб олгандан кейин Шокиржон ака билан енг устидан бор баракалла қилиб, Султонқул қассобга бир сўм ширинкомана — чой-чақани зўрға оғриниб узатди-да, қўй бўйнидан эски жун арқонни ечиб олиб, бозордан узоқлашди, Шокиржон ака ённи кавлаб, янги пулдан битта уч сўмлик олди ва Султонқул қассобга узатди:

— Анча вақтингизни берганингиз учун раҳмат! Мана бу арзимас ширинкоманани ёнингизга солиб қўйинг. Тўйдан бир кун олдин ўзингизни айтаман, озода қилиб сўйиб бера-сиз.

— Ёнингизга солиб қўйинг, Шокиржон ака, хафа бўламан, яхши бўлмайди, тўйга ҳали кўп пул керак бўлади, ширинкомана ўрнига тўйда ош еймиз, жон ака!..

— Хўп денг, ўзи ҳам оз, нон пули...

Султонқул қассоб оринибгина пулни олиб, ёнга солди-да, совлиқни етаклашиб бозор дарвозасидан чиқиб, Шокиржон ака билан хайрлашар экан, Шокиржон акага ачинган бўлди:

— Семиз қўй, боргунча сизни ҳам қийнайди, ўзини ҳам. Яхшиси, арава ёки машинага солиб кетсангиз тузук бўлармиди...

Қўлда боқилиб семирган қўй одатда чарс бўлмаса ҳам, жуда аста қадам босар, гоҳо тўхтаб, нафасини ростлаб ва кейинги бир оёғини авайлаб силтаб қўяр эди, йўлда кўп одам Шокиржон акадан бўрдоқининг нархини сўраб, «арзон» деб қўяр эдилар.

Айниқса қаймоқ гузариди ўлтирган кекса чойхўрлардан бири Шокиржон акадан совлиқнинг нархини жуда қизиқиб сўради.

— Совлиқни қанчага олдилар, уста?

— Тўқсон бўлди.

— Жуда арзон. Хайрият, қўй бозори ташлаб юборибди.

Иккинчи чойхўр луқма ташлади:

— Эринмай, ишқибозликка боққан экан-да, жониворни, энгаша олмай қопти-я. Буюрсин, терисигача мойга айланиб кетибди.

Учинчи чойхўр ҳам гапга аралашди:

— Қаранг-а, юролмай қопти жонивор. Бу қўй деганнинг хўраси ея берар экану, охири турса ётолмайдиган, ётса туролмайдиган бўлиб қолар экан. Мен ҳам биттасини боқиб, бир йил ёгдан ёлчидим.

Бу мақтовлар Шокиржон аканинг қулоғига жуда ёқиб эшитилди. Шунинг учунми, бу семиз совлиқнинг секин юриб, йўлда қийнаганлари, артелга ишга боришга кечикканлари ҳам кўзга кўринмай, уйга аранг етиб келди:

— Аяси, мана олиб келдим!.. Қўй деган бундақа бўлади, бугун ўзим ҳам ўнг ёним билан турган эканман, барака топгур, хўп эринмай боққан экан-да, кўряпсанми?..

— Шу таранглигига каттароқ бўлганда...

— Э, сан нимани биласан, ўзи кичик бўлса
Уам иккита катта қўйнинг ҳосили бор! Ушлаб
Кўр! Баданига тирноғнинг ботадами, йўқми?

Хотин қўйни ушлаб кўрди, ҳақиқатда бу
Кўй шундай ҳам таранг эдики, одам ҳайрон
Қоладиган даражада!

— Вой тавба!— деди хотин,— қўй кўриб
Бундақангисини кўрган эмасман! Елкасигача
нақ ёғ бўлиб кетибди, йўлда кўзланган бўлма-
син, туф-туф!

— Сан бунга ҳозир овқат берма, семиз
қўй, йўлда уриниб келди, ўчакишгандай йўлда
бўш арава ёки машина ҳам учрамади. Хайр,
ман кетдим.

* * *

Шокиржон ака ишдан қайтишда бир боғ
пичан қўлтиқлаб келиб, эшикдан кира солиб
хотинидан қўйнинг аҳволини сўради:

— Сув-пув бердингми, аяси?

— Сув қўйсам энгашолмади, тоғарани кў-
тариб туриб ичкиза қолай десам, ичкиси кел-
мади. Ҳали ҳам йўл ҳордиғи чиққани йўқ қўй
шўрликдан.

Кечаси, ётар пайт пичанни бўрдоқининг ол-
дига солиб, отхона устидан қулф урар экан,
Шокиржон ака хотинига бундай деди:

— Қолган харажатларни эртага қилайли-
гу, шу шанбадан қолдирмай тўйни бошлайлик,
семиз қўй, ётсираб, яна икки кун овқат емаса,
тошини йўқотади, озиб қолади. Эртага қа-
риндошларга хабар қил.

Эр-хотин ўртасидаги бу кечанинг суҳбати
фақат тўй тўғрисида, тўйга аталган бу семиз

қўй тўғрисида, яна нималар харид қилиш лозимлиги ҳақида ва кимларни тўйга айтиш масаласи билан бўлди. Эрта билан хотин қўйдан хабар олиш учун шошиб-пишиб отхонага югурди, эшикни очиб кириб, бўрдоқи қўй ўрнида арқонга боғланган бир кучукдек келадиган тиррақи гадикни кўрди, бу гадикнинг қимирлашга ҳам мажоли йўқ эди:

— Ҳай, дадаси, қанисиз? Шўримиз қуриб қопти!

— Нима дейсан?.. Бўғилиб қоптими?..

— Қаёқда бўғилади! Боғланган арқон салқи бўлиб ётибди-ю! Вой шўрим!.. Тезроқ чиқинг, кечаси бўрдоқимизни ориқ гадикчага алмаштириб кетишибди!

— Тузукроқ қара! Кўзинг хиралашгандир, қандай қилиб алмаштириб кетади, ахир?..

Шокиржон ака тўннинг бир енгини кийиб, бир енгини киймай отхонага югурди: кечаги семиз, тахтакачдек совлиқнинг ўрнида бир жонли пўстак турар эди. Шокиржон ака ўз кўзларига ишонмай қўли билан қўйни ушлаган эди, юпқа тери орасидаги суякка тегди:

Бир пўстагу, бир сават қовурға,
Дармон йўғидан турарди зўрға.
Умри бўйи емни кўрмаган ҳеч,
Яйраб у хашак кемирмаган ҳеч.
Жун халтада бир қучоқ тараша,
Еф бўлса: шу ҳолига яраша,
Терисига устухон ёпишган,
Қорни ичаги билан қапишган,
Бўрдоқи эмас бу, бир гадикдир,
Ҳам турган-битгани ҳадикдир.

Шокиржон ака ғазаб билан қўйни қўлтиқлаб, Султонқул қассобникига жўнади, бориб эшик қоққан эди, елкасида тўни, Султонқул чиқди:

— Келинг, Шокиржон ака.

— Олиб берган қўйингиз бир кечада шу аҳволга тушиб қолди! Тушуна олмадим, ака!

Султонқул қассоб шошмади, қўйни ерга қўйиб, текширган бўлди:

— Кечаси қандай жойга боғлаган эдингиз буни, Шокиржон ака?

— Эски отхонага! Ҳа, нима қилди?

— Каламушлар сўриб кетибди... Эсизгина!..

* * *

Шокиржон ака қарзи-ҳовола қилиб, пул топиб, тўйга бошқа бир қўй сўйди-ю, каламуш сўриб кетган бўрдоқи совлиқни бошқатдан боқиб, семиртиришга киришди. Ойлар ўтган эди, чойхонадагилардан Султонқул қассобнинг қамалганлигини эшитди: у ориқ қўйларни олиб, уйда яширинча ўша қўйнинг орқа оёғидан тешиб, велосипед насоси билан дамлаб, таранг қилиб, хотинига етаклатиб бориб, «бўрдоқи» деб сотар экан. Қўлга тушибди...

Шокиржон ака шошиб уйга кирди, «қадрдон», каламуш сўриб кетган бўрдоқининг оёқларини текшира кетди: орқа чап оёғининг пастроғида ҳақиқатан қирилган ери бўлиб, у қирилган пўстининг усти елимланганича қотиб қолган эди.

— Аяси! Бу ёққа кел, қизиқ сир...—Хотинини чақирди Шокиржон ака.

— Қанақа сир?— Шокиржон аканинг хотини шошганича етиб келди.

— Бўрдоқимизни каламушлар сўрмаган, балки ўзининг дами чиқиб кетган экан...

Болаларнинг аяси тушунолмай, болаларнинг дадасига тикилди.

* * *

Ҳозир шаҳарда дув-дув гап:

Ким бировга алданган бўлса, ўша алданган одамдан кулиб, «фалончининг дами чиқиб кетибди», деб киноя қиладилар.

МИРЗАҒАФЛАТ

Автобусга чиқдим. Унда жой эгаллаганлардан ташқари, менга ўхшаш йўлда чиқиб, тик туриб кетаётган ўрта ёш ва ёшу яланглар ҳам анчагина бор эди. Утирган бир ўспирин инсоф қилиб, менга жой бўшатди. Бизда инсоф ва одобли ёшлар кўп. Борди-ю, билмасликка олиб, юзига газета тутиб олса, унга «Ёш экансиз, менга жойингизни беринг!» дейишга нима ҳақим бор!..

Биз ўтирган томон офтоб эди, кун ҳам анча тобида, кундузи худди соат икки, ёзнинг жазирама кунларидан бири. Автобусимиз жуда сахийлик билан йўл-йўлакай одам зичлаб, шаҳардан чиқиб бормоқда, ёш болаликларнинг қий-чуви ҳам анча бор, жой талашиб уришган асабий кампир ҳам ҳамманинг меъдасига зиғирёғдек тегиб, туриб-туриб жавраб бормоқда.

Аммо менинг диққатим тамоман бошқа бир одамда.

Қўлида чарм сумка ушлаб, дераза олдида бемалол, онасининг уйида ухлаётгандек хурракни бўғиб-бўғиб, пуфлаб, ухлаб кетаётган лўппигина одамда! Унинг ёнида ўтириб қолган

табиати нозик оқ кийимли жувон ижирғила-
ниб ҳалиги одамнинг елкасидан туртди:

— Амаки-амаки! Менга нега суянасиз?..
Вой ўзингизни тутсангиз-чи, амаки!...

Амаки кўзининг қири билан ёнидаги жу-
вонга қараб қўйиб, бош бармоғи билан пе-
шона терларини сидирди-да, дўппини айлан-
тириб олиб, узоқ эснади ва қаерга етганлиги-
ни аниқлаш учун бўлса керак, деразадан
атрофга разм солиб, яна қалқиди. Шунини ҳам
айтишни унутмайинки, хуррак товуши фақат
машина тўхтагандагина бошқаларга эшитилар
эди.

Амаки қалқиб, увиб кетган калласини ҳа-
лиги жувоннинг елкаси аралаш ташлаган эди,
жувон бечора шу ўринда ўтириб келишнинг
баҳридан кечиб, ўрнини оёғи толган — ёш
аёлга бўшатиб берди. Лекин кейинги ўтирган
аёлнинг табиати олдингидан ҳам нозикроқ
бўлса керак, унга ҳам бу жой вафо қил-
мади.

Манзилга яқинлаша берган сайин машина
холилаша бериб, ҳатто ўринлар ҳам бўшаб
қолди, ҳалиги одам энди бемалол, (туртади-
ган киши йўқ-да!) кўнгилдагидек хуррак отиб,
маза қилиб ухлаб бормоқда эди. Машина
охирги остановкага етганда, қолган уч-тўрт
пассажир билан тушиб кетдим. Ўша туши-
шимда дурустроқ назар ташлаб, мен у одамни
танидим, у мени таниб қолмаслигини ўйлаб,
тезроқ йўлга тушган эдим, афсуски, у ҳам мени
таниб қолган экан, орқамдан овози борича ба-
қирди:

— Ҳо, ўртоқ фалончи!..

Тўхтаб, сўрашишга тўғри келди. Шу орада

бир хотин пайдо бўлиб, шовқин сола бошлади:

— Одам бўлмай ўлинг! Наҳотки шаҳарга тушиб мева олиб келиш шунақа қийин бўлса... Тўй тугаёзди-ку!..

Бу одамнинг оти Мирзараҳмат эди. Ёшликда фалокат босиб бир мактабда ўқиган эдик, бир ётоқда бирга тунашга тўғри келган кечалар ҳам бўлган эди, унинг серуйқулигидан, унга Мирзағафлат деб ном қўйган эдик.

Марзағафлат қўлидаги қора сумкани ялиб-ёлвориб хотинининг қўлига тутқизди-да: «Ҳозир кетингдан етиб оламан!»— деб аёлни жўнатиб, мени ҳоли-жонимга қўймай, колхоз чойхонасига судради. Хўп, чой ичиш керак, машинадан чойбоп бўлиб тушганман. Аммо Мирзағафлатдан безиллаб турибман, иложи йўқ, гапирмаганда мени бир соат ушлашига ақлим етиб турибди!

Қотма, маҳмадана, ҳовлиқмалиги ҳам ўзига ярашган, ухламаган вақтида бошқаларнинг сўзига суқилаверадиган хушфаросатгина йигит эди, семириб кетибди, иккала кўзи ҳам соғ эди, ўнг кўз юмуқ. Уч кун олдин қирилган някдан бодроқдек ўсиб чиққан оқ тук, соқолнинг етмиш процентини ташкил қилади. Соқол ҳам майли. Аммо мени юмуқ ўнг кўз ташвишлантирмоқда эди:

— Кўзга нима бўлди, оғайни?

— Э!.. Болаларнинг чўзма камалагидан отилган тош тегиб десангиз, шунақа бўлиб қолганимга анча йил бўлиб қолди!

Гап кўзда ҳам эмас эди, сўзда ҳам. Бир кўз билан қучоқ-қучоқ китоблар ёзган олимлар ҳам ўтган-ку! Мен унинг тақдири билан

қизиқа бошладим, чунки ўзини кўп йиллардан бери учратмаган бўлсам ҳам, таниш-билишлардан унинг ҳақида турли маломатлар эшитиб юрганман.

У бир вақтлар катта-катта ўринларга кўтарилди. Семизликни қўй кўтаради деганларидай, ҳовлиқиб хотин қўйиб, хотин олиб, урилди. Кейин бир эшитсам, аллақайси бир районда амаллаб ўқитувчиликка ўтиб олган экан. Илми етмай, унинг устига, бир ўқувчи қизга тегишиб қўйиб, мактабдан ҳам ҳайдалган эди.

Чойхонада бир соат бўлмаса ҳам қирқ минутни ғариб қилиб, унинг ёлгон-яшиқ ҳасратига қулоқ бердим. Унинг даъвоси, юқоридаги фактларнинг теппа-тескариси! Яъни: катта-катта ишлардан ўзи ариза бериб бўшаб кетган. Тинчроқ деб, ҳисобчилик курсига кириб ўқиб, колхозда ёрдамчи бухгалтер бўлиб ишлаган, колхоз раҳбарлари уни кўришолмай, кўп ичади, хотинини уради деган ифволар билан ёрдамчи бухгалтерлик вазифасидан ҳам бўшатмоқчи бўлишибди эмиш. Шунга аразлаб, Мирзағафлат колхоз раҳбарларига кўринмай юрган эмиш. Мен ҳозир Мирзағафлат билан бирга колхозга бориб, колхоз раҳбарларига кимлигимни тушунтириб: «Мен Мирзағафлатнинг қадрдони бўламан, ўзим марказда фалон ерда ишлайман, Мирзағафлатни хафа қилсаларинг, мен сизлар билан бошқачароқ гаплашаман!» деб, пўписа қилиб қўйсам кифоя эмиш...

Мен колхоз раҳбарлари билан гаплашишга розилик берган бўлдим. Шундан кейин, Мирзағафлатнинг чеҳраси очилиб, ҳатаматини

тутиб кетиб, «яримта»га эрийдиган бўлди. Мен ҳавонинг иссиқлигини баҳона қилиб, уни «колхоз раҳбарлари билан гаплашгандан кейин, кун ботганда эрийдиган» қилиб қолдирдим. Йўлимиз бир экан, мен борадиган пионер лагерига шу колхоз йўли билан боришга тўғри келиб, насибага яраша, яна йўлда қирқ минутча чидаб, унинг сўзини тинглаб кетишга тўғри келди:

— Ешликда ўқиб олганим анча йилгача асқотди, ҳисобчилар курсида яна анча илмимни оширдим. Аммо турмушимда ҳаловот йўқ! Унинг устига, хотиндан бахтим йўқ! Бештасига уйланиб ёлчимадим, олтинчиси шу колхоздан топилди. Рўзғори яхши, сигири бор! Эри ўлиб, бир ўғли билан қолган экан, ўғли мен онасига уйланганимдан кейин армия сафидан қайтиб келди. Бу йигитчага менинг феъл-атворим ёқмади шекилли, мени бир-икки тутиб олиб урди! Нафасим ичимда! Фиринг десам, тайёр бошпана, текин суту қаймоқдан ажрайман! Узимда ҳам айб бор! Автобуснинг кейингисини кутсам бўлар эди, хуллас, бугун чап ёним билан турган эканим аниқ эди.

Йўл-йўлакай Мирзағафлатнинг тутуруқсиз алжиллашига қулоқ солиб, «ҳа-ҳа!» деганча бормоқдаман, гўё бир қадрдондек, менга ҳасрат қилиб бормоқда.

Нима эмиш денг! Ҳаракат қилса, ҳар қандай оғир вазифанинг уддасидан чиқар эмиш-у, юраги кўтармасмиш, юраги кўтармагандан, китоб-газетни чамаси ўн йилдан бери қўлига олмабди эмиш, ҳатто радиога ҳам тоқати йўқ эмиш. Ҳаммадан ҳам Мирзағафлатнинг бир сўзи менга туриб-туриб таъсир қилади:

— Чўзма камалак отиб, кўзимни кўр қилган ёш болалардан миннатдорман! Уша йили уруш бошланган йили эди, райвоенкоматдан чақириқ қоғози келиши аниқ эди. Чўзма камалак мени шундан қутқазиб қолди,— дейди-я!

Эсон-омон айрилишга етиб келдик. Учрашишга «ваъда» бериб, аранг қўлидан қутулдим-да, қайтишда бошқа сўқмоқ билан катта йўлга чиқиб, шаҳарга қайтдим.

Ушандан бери пассажир машинага чиқсам, қора сумкани қучоқлаб ухлаётган лўппи одамга дуч келиб қолмай деб, қараб қўяман. Яхшики, бошқа вақт собиқ ва сарқит оғайним Мирзағафлатга дуч келмадим. Ҳатто унга ўхшаган кишилар ҳам қайтиб учрамади...

ҲАММАҲАЛЛАЛАР

Азимжон ака билан Боймирза акалар бир маҳаллада туғилиб ўсиб, эски мактабда «ҳафтияк»ни бирга ҳижжалашган, кўчани ҳам бирга чангитишган ўспиринлар эдилар. Қачонки буларнинг қўлидан иш келадиган бўлиб, тирликчилик йўлига тушганларидан кейин бир-бирларидан узоқлашиб кетишди: яъни иккиси икки кўчадан борди, иккиси икки касбни танлади. Бу иккисининг касби эса бир-бирига қарама-қарши эди.

1925 йилда шаҳарнинг қоқ ўртасида катта корхона қурилиб, жуда кўп ўспиринлар шу корхонага тортилдилар. Очиқроқ қилиб айтилганда, бу корхона шаҳар ёшлари учун ажойиб янгилик бўлди. Азимжон ака шу қизиққан ёшлардан бири бўлиб, янги корхонага ҳунар ўрганишга кирди. Бироқ Боймирзага ўртоғининг бу иши маъқул бўлмайоқ, бачкана туюлди. Азимжон ака корхонадан сўз очганда: «Топган ҳунарингдан ўргилдим!..» дегандек совуққонлик билан қўл силтади ва ўзи янги иқтисодий сиёсат йилларидан фойдаланиб, шаҳар бозорида дўкон очди ва савдогарчиликни гуруллатиб юборди.

Шу-шу буларнинг улфатчилигига раҳна
ушди. Боймирзанинг ўз касбига яраша янги
улфатлари топилганидек, Азимжоннинг ҳам
аз корхонасидан орттирган янги дўст, янги
улфатлари бор. Боймирза тўпи кечқурунлари
маҳалла чойхонасидаги озода палосда олди-
отди тўғрисида суҳбатни қиёмига етказсалар,
на бир томонда корхонанинг кечки сменаси-
дан чиққан усти қораёғ Азимжон ишчи ёшлар
билан ўз корхоналарининг иши тўғрисида гу-
рунг ясайдилар.

Суҳбат пировард бўлар, чойхўрлик охирига
етиб, уй-уйларига тарқала бошлайдилар.
Ушанда ҳам Азимжон кўчанинг бу юзидан
уйига қайтса, Боймирза кўчанинг у юзидан
қайтар, сўзсиз уй-уйларига кириб кетар эди-
лар. Чунки Боймирза шу кунларда анча дав-
лат орттириб, босар-тусарини билмай, айниқса
Азимжонга ўз кўркини намоёиш қилмоқчи
бўлса, Азимжон унинг тўрт кунлик кеккайи-
шини сариқ чақага ҳам олмайди. Шунинг учун
ҳам булар анчадан бери гаплашмай қўйишган
эдилар.

Йиллар ўтди, Боймирза маҳаллада камроқ
кўринадиган бўлиб қолди. Унинг кейинги топ-
ган улфатлари ҳам маҳалла чойхонасида кам-
роқ кўриниб қолишди. Бу хусусий чойхона ҳам
корхона ихтиёрига ўтиб кетиб, қайтадан қу-
рилган ва жиҳозланган эди. Корхона ҳам
кенгайиб, завод ўршини олиб, Азимжонлар ҳам
катта ҳунарманд бўлган ва Азимжон дейил-
май, энди уста Азимжон бўлган эди.

Уста Азимжон аканинг кўча эшигини бе-
вақт, ярим кечада қоққан унинг собиқ дўсти
Боймирза бўлиб чиқди:

— Мени кечир, дўстим! Бевақт сени безовта қилдим. Сенга бир-икки оғиз айтадиган арзим бор... Мени уйингга қабул қил.

Боймирза ҳар қанча қунишиб, бўйнини қисса ҳам уста Азимжоннинг кўнглини эрита олмади, аксинча, унинг қаҳру ғазабини қўзғатди. Узоқ ўйланиб олган уста Азимжон, Боймирзани ичкарига таклиф қилди, ҳовли чироғини ёндирди, супага ўтқизиб, олдига дастурхон ёзди ва қайноқ чой тутди. Лекин: «Қайда эдинг?» деб сўрагиси ҳам келмади, яна Боймирза сўз бошлади:

— Тақдирда пешанага ёзилган экан, беш йил ётиб чиқдим! Энди кўзим очилди! Заводларингга ишга киришимга ёрдам бер, дўстим!..

Уста Азимжон мароми билан игна санча бошлади:

— Ешлигимиз бошқа эди, бир-биримизни сансирашар эдик. Энди у чоғлар ўтиб кетди. Ҳатто мен корхонага ишга кирган йигирма бешинчи йилда сени бир бор «сен» деб қўйганимда, чойхонада ўзинг ҳам менга танбеҳ бериб: «Энди бир-биримизни сизлашайлик, катта бўлиб қолдик» деганинг хотиримда бор. Шунинг учун мени «сиз» деб айтишингни илтимос қиламан. Бир-биримизни сансираш учун дўст, ўртоқ бўлсак ҳам бошқа гап эди, биз энди дўст ҳам, ўртоқ ҳам эмас, иккимиз икки кўчадан, икки мақсад кўчасидан борган кишилармиз. Нима дедингиз?..

Боймирза чурқ этмай бошини ерга солди, андак фурсатдан кейин яна илтимосини такрорлади:

— Ёрдам беринг, сизнинг орқангиздан бир ҳунарни эгаллаб қолай..

Уста Азимжон қўлидаги папиросини орқага ирғитиб, ўткир кўзлари билан Боймирзага тикилди:

— Шогирд бўлиб киришга ёшингиз катта! Адашмасам, бу йил қирқдан қирқ бирга қадам қўйдик, иккимиз ёш томондан тенг... Қирқ ёш эмас, ўттиз ёшни урганлар ҳам заводга шогирд қилиб олинмайди. Аввало камида ўнинчи синф ҳажмида илм керак, завод иши ўйинчоқ эмас...

— Катта ёшдагиларга боп иш топилиб қолар, жудаям илмсиз эмасмиз!

— Ўрта мактабни битирганман денг?!

— Ўрта мактабни битирмаган бўлсак ҳам, хат-савод бор...

— У, сиз билган хат-савод билан мақсадга эришиш қийин, ҳозирча қоровулликка жойлашга кафилман. Аммо заводга қоровул бўлиш учун ҳалол бўлишига ҳужжат сўралади.

Боймирза зарда билан этак қоқиб, ўрпидан турди:

— Сизни одам деб келган эдим!

— Йўқ! Сиз учун хижолат чекишни истамайман. Ҳаммамиз ҳам кўрпага қараб оёқ узатганимиз яхши...

Уста Азимжон Боймирзани кўчага узатар экан, тил учида «хайр» деди-ю, эшикни тақ этиб ёпди.

Уста Азимжон билиб айтган эди: Боймирза бошқа оғайниларининг ёрдами билан бўлак бир жойга ишга илинди-ю, бир йил ўтмай хиёнат билан қўлга тушиб, ўртада турганларни ерга қаратди. Аммо насибага яраша жазо тортиб, қутулиб ҳам кетди, қутулиб келгандан кейин ҳам «эрмак» деб бозор «ишлари»га ара-

лашиб даллоллиқ, қўл келганда енгил олди-
сотди билан шуғулланиб турди.

Отаси тўғрисида ҳар ерда дакки еган фар-
зандлар ҳам қозон-товоқни бошқа қилиб, ота-
дан ажраб чиқиб кетишга мажбур бўлган
эдилар. Тиниб ўлмаган, кўзи оч бу кексанинг
бемаъни хатти-ҳаракати маҳалла кексалари-
нинг ҳам энсаларини қотирган эди. Энди ўзи-
нинг айтишича «қариганда қуйилган, эси кир-
ган ва инсофга келган» эмиш.

Чунки кейинги йилларда соқолини узун қў-
йиб, бошида салла, ҳар кеч мачит жиловхона-
сида домла-имом билан хатми-хўжа, ўлган-
ларнинг йигирма-ю, қирқини пойлаб, мулойим
мушук...

... Боймирза ота бу йил олтмиш ёшга кир-
ди, уста Азимжон ота ҳам олтмишда. Аммо
Боймирза отага бир нарса алам қилиб, бу ке-
ча ухлаёлмай тўлғаниб чиқди. У ҳам бўлса,
ўз тенгқури уста Азим олтмиш ёшга киришини
нишонлаб, янги йил кечаси катта зиёфат бе-
рибди-ю, Боймирза таклиф қилинмабди! Хўп,
бу ҳам майли. Унинг номи кимсан, уста Азим-
жон бўлиб шаҳарга тарқалибди, унга завод
катта мукофотлар бергани етмагандек, давлат
унга катта пенсия берадиган бўлиб, дафтарча-
сини тутқизибди! Қарзга ҳам эмас, еб ке-
тарга.

Боймирза юрагидаги тошдек тугилиб тур-
ган бу аламни кимга айтишини билмай, юра-
юра, кечқурун — ётар пайтда кампирга ёрил-
ган эди. Ужар эрдан тўлиб юрган кампир
бир оғиз гап билан ярасига туз сепгандек
бўлди:

— Қандини урсин!..

«ОБРУЙИМ ТУКИЛАДИ»

Кечки пайт, маҳалла қизил чойхонасининг сув устидаги сўрисида икки мўйсафид чойнак устига рўмолни тахлаб ёпиб, битта жийда гулли пиёлачани эрмак учун айлантирар эканлар, чопонини қўлтиғига босган Ботирали ота улфати Мамаражаб бувага ўз ён қўшнисидан ҳикоя қилар эди:

— Қўшнимиз ўртоқ Меҳмонов ўзи ёш бўла туриб, анчагина кексақари, ўз ҳажми, бўйи бастига кўра бўйни сергўштроқ, мансабга ҳаваси баланд, димоғининг ҳароратига саккизта ош дамлаш мумкин.

— Ошириб юбордингиз, Ботирали.

— Ошириб юбориб нима? Сизга сотмоқчимидим? Қиёмат қўшнисидан деган гап бор, мен бунни эскичасига йўйиб юрар эдим. Ҳақиқатан қиёмат қўшнисидан экан, Мамаражаб! Бу бизнинг қўшнининг ўзи қиёмат. Ҳатто бешикдаги ёш қизчасини эркалатиб севиши ҳам, бизга суд залида ҳукм ўқиладигандек бўлиб эшитилади: «Ҳа, ётибсанми?.. Нимага йиғладинг? Онанг сенга қарамадим? Мен онангни жазолашим керак!..» Ва ҳоказо-ва ҳоказо...

Чойнинг охирини ичиб, пиёлани кифти-

га суртаётган Мамаражаб ота таажжубланиб:

— Онаси «ана, отанг келяпти!» деса, йирлаётган боласи жим бўлиб қоладиганлардан десанг-чи?..

— Бола жим бўлади. Отасининг судлигини билмаса ҳам, қовоғидан, дағдағасидан қўрқса керак. Менинг судлик ишим бўлмаганидек, ўртоқ Меҳмоновнинг ҳам мен билан иши йўқ. Фақат ўртоқ Меҳмонов бизга қўшни бўлиб келиб қолгандан бери унинг оиласида бўлиб турадиган ҳангомалар бизга яхши латифа бўлиб эшитилиб туради.

Ботирали отанинг сўзи қизиқроқ эшитилди шекилли, нарироқда радиога яқин ўтирган учтўрт ўспирин радиони пастлатиб, қулоқларини Ботирали отага бердилар. Ботирали ота қўлидаги чойнинг совуганини ҳам унутиб, ҳикоясини давом эттирди.

— Ўртоқ Меҳмоновнинг хотини ўчоқ бошида капгир ушлаб туриб, айвон олдида бир қўлини чўнтагига ва бир қўлини ёқасига тикиб, серрайиб турган эрига тикилди: «кўчадаги крандан бир пақир сув келтириб берсангиз-чи, дадаси?..»

— Нима-нима?..

— Сув деяпман!

— Ие, қизиқ бўпти-да... Суд раиси кўчада пақир кўтариб юрса-я?.. Оловни пастлатиб қўйиб, чиқиб кела қолмайсанми!.. Аслида бу ҳам тўғри келмайди! Суд раиси Фалончиевнинг хотини кўчада пақир кўтариб сувга кетяпти деган маломатга қолишга тоқатим йўқ! Ҳа, майли, чиқсанг чиқа қол. Аммо кўчада пақир кўтариб келаётган вақтингда сен менинг

хотиним эканлигингни ҳеч ким сезмаслиги керак!

— Танишлар кўрса-чи?

— Обрўйим тўкилади!..

— Ё унга кўнасиз, ё бунга. Кўчадан сув олиб келишни обрўга нима дахли бор, судлар сув ичмайдами? Мени овора қилмай бир пақир сув келтириб бера қолсангиз нима бўлади! Ҳалигача олиб келган бўлар эдингиз.

— Тағин гапирасан-а, тағин гапирасан! Суд раиси пақир кўтариб кўчада юриши қайси қонунда бор? Қани, айт-чи!.. Суд раисининг хотини бўла туриб нуқул хилоф гапларни гапирасан.

— Ҳамма ишни хотинига юклаб, ишдан келгандан кейин қўлини совуқ сувга урмай, хода ютгандек чақчайиб тураверсин демаган бўлса керак ўша сиз билган қонун.

Хотин тўртта нордон гапдан кейин, бошига боласининг тўнчасини ёпиниб, пақир кўтарганча кўчага сувга чиқиб кетди. Ҳар ҳолда хотинининг нордон гаплари ўртоқ Меҳмоновга андак қаттиқ ботгандек бўлди. Чунки суд раиси фақатгина нотўғри ҳукмланган айбдорлардангина гоҳо-гоҳо шундай нордон гаплар эшитар эди-ю, аммо ўз хотинидан суд раиси бундай сўз эшитиши Меҳмонов фикрича ғайри қонуний эди. Шунинг учун ҳам хотини орқасидан дўнғиллади:

— Баъзи шаллақи закончилардек, ўз хотининг ўз уйингда суд раисини қоралаб турса, чидаш мумкинми?.. Тавба, қонунни у биладими, мен биламанми? Кўчада пақир кўтариб, сув ташиб юриш! Бу, оддий граждандарнинг хотинларининг иши!..

Мен ким? Мен ўртоқ Меҳмонов!..

Ўзича дўнғиллаётган ўртоқ Меҳмонов, пақир кўтариб кўчадан кириб келган хотинини пайқамай қолган эди, хотин пақирни ўчоқ бошига қўйиб, эрига ўшқирди:

— Бошлаган сўзингиз тезроқ тугайдими, йўқми?

— Нима эди!

— Ош қилиш учун ўтин ёриб берсангизчи?..

— Ўтин дедингми?

— Ҳа! Ош дамлашга ўтин!

— Қолоқ хотинлардансан десам, аччиғинг чиқса...

— Ўтинни қолоқликка нима дахли бор? Бўлмаса сиз савзи тўғраб беринг, ўтинни ўзим ёра қолай.

— Лаббай?.. Ўртоқ Меҳмонов савзи тўғрайди?.. Энди мени бу маломатларга тақаш қолувдими?.. Шу гапингни тағин бир қайтариб кўр!..

— Аллақаяёққа бораман, ошингни тезлат, кечга қолмай деганингиз учун шошяпман-да, дадаси. Сизни қарашганингизни биров кўриб ўтирибдими? Борди-ю, биров кўрса, бу жиноят эмас-ку!

— Ошингни тезлат деганим тўғри, ошни егандан кейин менинг «Юрак сирлари»га боришим ҳам тўғри, сенинг ош қилишинг ҳам қонуний, менинг шошилаётганим ҳам қонуний. Аммо, суд раисидан берухсат гапираверишинг, менинг назаримда, суд залида сўзидан адашган жавобгарни эслатади. Қўрқма, мен сени жавобгарликка тортмоқчи эмасман. Лекин ҳанузгача эрининг суд раиси эканлигини ҳис эта

олмаган, унинг орқасида эрининг обрўйини тўкадиган, турли қора хизматларга рўпара қила берувчи онгсиз хотинсан деб ҳукм чиқаришим мумкин...

Гапдан безиллаган хотин савзи-пиёзни апил-тапил тўғраб, ўтинхонага югурди. Шу пайтда уйдан қизчасининг йиғлаётганини эшитиб, яна ўртоқ Меҳмоновга мурожаат қилди:

— Ҳеч бўлмаса, кириб бешикни тебратиб туринг. Бола бечоранинг йиғлаб ичаги узилаёзди...

— Астаффурулло! Бешикни тебратиб туринг деганинг нимаси? Эшакнинг қулоғига танбур чалаётган эканман-да! Ахир, бу бешик тебратиш деган икир-чикирлар оилада оналарнинг иши-ку?! Мен суд раисман, мен суд идорасини тебратаман, суд раислари болаларнинг бешигини тебратсин деган қонун ҳали чиққани йўқ. Эшитяпсанми?

— Бўлмаса, рўзгорнинг бутун оғир-енглиши фақатгина хотинлар бошқарсин деган қонун борми? Айтинг-чи, қани! Эркаклар ишдан келгандан кейини отдан тушса ҳам узангидан тушмай, кино-театрларга ҳам ўзи ёлғиз борсин деган қонун борми? Бор бўлса, уни ким чиқарибди?

— Овозингни ўчир, бу сўзларингни қўшнилар эшитиб қолгудек бўлса, обрўйим тўкилади! Қонунни сен биласанми, мен биламанми? Эрининг обрўйини тўкадиган аёлларга жазо йўқ деб сенга ким айтди? Эрининг обрўйини тўкиш деган сўз ҳақорат билан тенг. Биласанки, сенинг эринг оддий эрлардан эмас, суд раиси! Демак, суд раисини ҳақорат қилиш қайси моддага киради?

Ичкарида ёш боланинг йиғиси чинқириққа айланди, эрига анқайиб, энсаси қотганча қулоқ солиб турган хотин эсини тўплаб, ичкарига чопди:

— Вой, шўрим!.. Обрўйингиз қурсин илоё!

Ўртоқ Меҳмонов хотин кетидан бақирди:

— Тезроқ юпатиб чиқиб, ошингни қил, мен кечга қолмай!

Хотин апил-тапил болани юпатиб чиқди-да, ўтин ёрди, кейин ўчоққа ўт қалаб, эрига ўпка аралаш қараб олди-да, ўзича гапира кетди:

— Бошқа суд ўртоқларникида ҳаёт бизникидай эмас-ку, билмадим, бу кишини нима жин урганки, доим йўқ қонундан сабоқ берганлари-берган. Мана, ўзлари яна театрға бормоқчилар-у, кўнгил учун «юр!» дейишга ярамайдилар.

Айвонда совунгарнинг қолипидай қотиб қолган ўртоқ Меҳмонов бу сўзларни эшитар экан, қўлини пахса қилиб, хотинига ўқира кетди:

— Қолоқсан десам тагин хафа бўлсанг, жон хотин! Мен театрға томоша учун бораётган бўлсам бошқа эди, мен иш билан, ҳақиқат ишлари билан боряпман. Эшитгандирсан, бугунги қўйиладиган «Юрак сирлари» асарида Сурмахон исмли олифта хотин иштирок этади, унинг эри доктор киши. Мана шу доктор Сурмахонни ташлаб кетиб қолади.

— Тўғри! Ташлаб кетади. Мен бунга газетада ўқиганман.

— Ўлма! Ана ўша газетада босилган «Юрак сирлари»даги Сурмахон ташлаб кетган эридан шикоят қилиб, яраштириб қўйинг деган мазмунда бизга ариза берди. Қани, бу

кеча бориб, театрни кўрай-чи, ким ҳақу ким ноҳақ!..

— Унақа бўлса ўзингиз борганингиз яхши, дадаси.

— Бўлмасам-ку, бирга борар эдикку-я... Бизнинг ишимиз шу-да, хотин! Қайда ноҳақ ишлар бўлса, уни ҳақиқат қилиш бизнинг вазифамиз. Баъзи тушунмайдиган хотинлардан бўлсанг, «бораман!» деб, оёғингни тираб туриб оласану, мен ҳам хўп дейману, боргандан кейин одамлар: «текширишга ҳам хотинини стаклаб кепти!» дегудек бўлса, менинг обрўйим тўкилади. Тушунарликдир?..

— Тушунмаяпман деганим йўқ-ку, дадаси...

— Шундай экан, мен кечга қолмай, воқеани бошидан синчиклаб, текшириб ёзиб боришим керак. Қани, ошни тезлат!

Шу пайт уйдан боланинг бўғиқ чинқириғи эшитилиб, хотин ҳалпиллаганича уйга югурди:

— Вой, шўрим! Бешик ағанаганга ўхшайди!..

Хотин уйга кириб, бирдан қайғу ва қўрқинч билан ўртоқ Меҳмоновни чақирди:

— Тезроқ келинг, дадаси! Шўримиз қуриб қопти!

Ўртоқ Меҳмонов уйга югурди. Бола уйғоқ ўйнаб ётиб, бешикка осиб қўйилган кўзмунчоқни узиб олиб, оғзига солган экан, бўғзига тикилиб қопти. Ўртоқ Меҳмонов бўғиқ овозда уйдан туриб сўкина кетди:

— Қўзмунчоқ ишлаб чиқарадиган заводнинг мутахассисларини газетага ёзиш керак, жавобгарликка тортиш керак! Улар ўзлари ишлаб чиқараётган кўзмунчоқларни болалар

томоғига тиқиладиган қилиб, жўрттага катта чиқарганлар! Бу зараркунандалик, бу болалар учун энг зарарли ишлар билан шуғулла-
нувчи кишиларнинг иши!

Хотиннинг боласини севиб эркалаган ма-
йин, хотиржамликни билдирувчи товуши эши-
тилди:

— Хайрият-хайрият, ўтиб кетди! Аяси ўр-
гилсин, дадангга ош егизиб жўнатаман деб,
сени уйда ёлғиз қолдирдим-да!..

Икки яшар ширингина дўмбоқ қизчасини
кўксига босиб, хотин ва унинг кетидан ўртоқ
Меҳмонов айвонга чиқди:

— Қани, энди ошингни тезлат!

— Мана, дадаси, сиз қизингиз билан гап-
лашиб туринг, мен ошимни тезлатай.

Хотин қўлидаги қизчасини эрига бериб, ўзи
ошхонага кириб кетди. Ўртоқ Меҳмонов тизза-
сидаги қизчаси билан гаплаша бошлади:

— Хуҳ, сани!.. Мунчоқни суи истеъмом қил-
син деб, сенга ким айтди? Яна шунақа ишлар
қиладиган бўлсанг борми, жавобгарликка
тортиласан! Шунини билиб қўй, қизим!..

Ботирали ота ҳолатга кириб, маҳоратли
актёр сингари ўртоқ Меҳмонов образини юзу
қўл ҳаракатлари билан чойхонада улфати Ма-
маражабга тўлиқ ўйнаб, тасвишлаб берар
экан, атрофига тўпланиб, завқ билан қулоқ
солаётган ёшларни унутган эди, бирданига
кўтарилган кулгидан Ботирали ота ҳушёр
тортиб, жим қолди Атрофдан таклифлар
ёғилди:

— Давом этинг, ота! Жуда маза қиляп-
миз!..

— Кейин нима бўлди?

— Кейин нима бўлар эди. Хотин ошхонадан туриб, дод солди:

— Вой, шўргинамга атала! Гўшт тўғраш ёдимдан чиққан экан. Ёғ доғ бўлиб кетди! Энди нима қилдим!..

Ўртоқ Меҳмонов қўлидаги болани дўқ этиб ўтқизиб, ошхона томонга қараб бақира кетди:

— Ўз вазифасига совуққонлик билан қараганларга, зараркунандаларга, исрофгарчиликка йўл қўйганларга қўйиладиган жиноий қонунларнинг тегишли моддаларини сенга уқдириб қўйишга тўғри келади! Айниқса суд раисини қасддан оч қолдириш — бу, албатта, суиқасд ҳисобланиши керак!

Ботирали ота ўртоқ Меҳмоновнинг худди ўзи бўлиб, бу сўзларни гапириб берар экан, кулаётган ёшлардан бири ўртага кўндаланг савол ташлади:

— Раҳмат ота. Жуда опсиз! Аммо айтингчи, ўша одамнинг фамилияси ҳақиқатан Меҳмоновми ёки ўзингиз тўқиганмисиз? Иккинчидан, ўша Меҳмонов ҳақиқатан суд раисими ёки буни ўзингиз ясаб айтяпсизми? Агар ўша одам чинакам ҳозир суд раиси вазифасида бўлса, ростини айтинг! Ундай одам бизнинг жамиятимиз учун ёт!

Савол бераётган йигитнинг анча қизиқиб ва қизишиб қолганини пайқаган Ботирали ота ҳикоянинг жиддий тус олишидан ҳайиқди ва ҳикоянинг шу ерига хатчўп солиб, ёшларга тушуштира кетди:

— Очиғини айтсам, ўғлим, бизнинг ёнимиздаги ҳовлига жуда кўп хизматчилар кўчиб келиб, кўчиб кетиб туради. Бу ерда яхши фазилатли, ажойиб қўшнилари ҳам кўрдим, ҳо-

зир ҳикоя қилиб бераётганимдек қуруқ ёғочга ўхшаган «Ўртоқ Меҳмонов»ларни ҳам кўрдим. Уларнинг қиладиган ҳунаридан қатъий назар, болаларим, хулқи, оилавий ахлоқи менга ёқмагани учун мен унинг ёмон, сизлар айтгандек, жамиятга ёт томонларини малол олганимдан гапираман. Бўлмаса менга зарур кеп-тими!..

* * *

Отанинг айтишича, қўшни ҳовлида бир вақтлар бир суд раиси ҳам яшаган экан. Гарчи унинг номи Меҳмонов бўлмаса ҳам, Ботирали отаси тушгур ўзича шундақа деб ҳикоя тўқибди. Шамол бўлмаса, дарахт шохи қимирламас...

МАВЛАВИ МИРСИДИҚНИНГ ИЖОДЛАРИ

(Утмишдан)

Ҳасти мавлавига вақфнинг даромади кифоя қилмай қолгандан кейин бир оз зориқишга тўғри келди. Чунки мавлави ўз мухлисларидан бирининг қизига уйланиб, оёқни саккизта қилмоқчи эдилар.

Мавлави гарчи бировнинг олдида дастурхон ёзиб одатланмаган бўлсалар ҳам, юртчилик дегандай, кўпгина тўйлардан тўн кийиб, рўмолга тўққиз-товоқ тугиб қайтиб, «қарздор» бўлиб қолганларини ўйлаб, шаҳарнинг бообрў кишиларидан бир нечасини имлама таклиф қилмоқчи ва тўй олдидан енг учида хатми хўжа қилиб, қутулмоқчи бўлдилар.

Бу «лозимада» учун гуруч-пуруч, ун-пун муаммоси ҳал. Буни мадрасаи Ҳиллакорнинг мутаваллиси Ҳожи Қилвир тўғрилайдиган бўлди. Фақат озгина «мурч» керак!.. Шундай мурч керакки, ҳамма сарфу харажатни қопласин ва ҳамёнда бир сиқим сўлкавой ҳам ортиб қолсин!

Эҳтимол, оёқларини гўр тортиб қолган бир маҳалда хаст мавлавининг уйланишлари жуда зарурмикин деган саволлар ҳам туғилиб қолар. Хотин олишлари зарур! Мавлави қатори

мударрисларда тўрттадан хотин бўлганда, бу киши икки хотин билан қолишлари яхши эмас!

Мавлави Сидиқ хаёл суришдан амалий ишга кўчиб, ҳаракатлари газак олиб кетди. Меҳмонхоналарига палос тўлдириб, чақирилган меҳмонларни бел боғлаб, қўл қовуштириб, хокисорлик билан кутиб ҳам олдилар.

Йиғилган меҳмонлар орасида шаҳарнинг маълум, сердастурхон калонполаридан Мирза Қарим ҳожи вофуруш, баззозлик растасининг оқсоқоли Тош оқсоқол, Ҳаким гажавва, Мирзараҳим шафақ лақабли бойлар ҳам бор эди. Такаллуфлардан кейин дастурхонга фотиҳа ўқилиб, ҳазми таом учун ташқарига қўзғалишдилар.

Шу пайт Мирза Қарим ҳожининг назари меҳмонхона шифтига осиб қўйилган каттагина ҳамёнга тушиб, уни бошқаларга ҳам кўрсатди ва бошқалар ҳам бу ҳикматнинг тагига етолмай, ёқаларини ушладилар.

Елкага рўмол ташлаб, мезбонона такаллуфлар билан меҳмонхонага кириб келган ҳасти мавлавига шунда Мирза Қарим ҳожи вофуруш гўстоҳлик билан арз қилди:

— Гарчанди беодоблик бўлса ҳам, кўпчилик меҳмонлар номидан сўрашга мажбурдирман, тақсир! Шифтда осиглиқ турган ҳамённинг сирру асрорини, бемалол бўлса, ўзлари бизга тушунтирсалар!.. Бу ақл бовар қилмаган мушкул, ҳамённинг осиб қўйилиш ҳикмати нимада?

Ҳасти мавлави ипни узун ташлаб, совуққонлик билан аста қўл силтаб, гўё аҳамиятсиз бир нарсга дегандек, мужмал жавоб бер-

ган бўлди. Аммо меҳмонларни, айниқса вофурушни бу жавоб қаноатлантирмай, мавлави-дан бу ҳақда муфассал изоҳ талаб қилиб туриб олганларидан кейин, мавлави муфассал изоҳ бердилар:

— Кўп ойлар бўлдики, бу кулбаи вайронага жаноблардек азизу муҳтарам меҳмонлар қадам ранжида қилишиб, бошимни фалакка еткурган эдилар. Уларни кузатиб, эртасига меҳмонхонага кирсам, баногоҳ тўшак устида ётган мазкур ҳамёнга кўзим тушди. Дарҳол очиб, ичига назар югуртирсам, тиллоин ахмар!.. Шу вақт менинг бошимга фикр келди: ё меҳмонлардан тушиб қолган, ёки меҳмонларнинг бирортаси саховат юзасидан каминага шу йўсинда атайлаб қолдириб кетган!.. Локин ҳамон бу олтин эгасининг кимлиги, нима учун қолдириб кетганлиги маълум эмас. Бинобарин, омонат олтин бўлганда ҳам уни эгаси сўраганга қадар эҳтиётлашим, ўзимга ҳадя қилинган бўлганда эса, шунга қараб иш қилишим керак эди. Бу икки муаммо ҳал бўлмагандан кейин, уни ўз мулким деб аташни жойиз билмай, муаллақ осиб қўйиб, туну кун уни эҳтиётлаб келмоқдаман.

* * *

Орадан бир неча кунлар ўтгандан кейин, кутилмаган фурсатда мавлави Сидиқнинг мадрасан Ҳиллакордаги ҳужраларига Мирза Қаримбой вофуруш кириб келди.

— Тақсир!.. Сизу — худо!.. Ўзингиз яхши биласизки, мен отамга ҳам; хотин, бола-ча-

қамга ҳам ишонмайман-у, фақат жанобингизга ишонаман. Куз, деҳқон бозорини мўлжаллаб, беш юз пар амиркон, хиром зайфона маҳси ва юз пар қалача кавуш ғамлаган эдим. Ёмон кўздан панароқ, ана у ганжинангизда кузгача турса-ю, кейин олиб кетсам... Ахир, тақсир, шу баҳонада таллаганларини ўзларига, заифларига дегандек...

Бу қалтис илтимос мавлавига андак малол келган бўлса ҳам, аз рўйи инсоф, илтимосни қайтариш қийин бўлди:

— Ҳожи афанди, бу илтимосингиз мендек тақводор киши учун ножўя бўлса ҳам, кишининг омонатини сақлашдаги савобдан қуруқ қолмаслик учун ночор қабул қиламан! Узингиз биласиз, камина пайғамбар ёшига кириб, тижорат ишлари билан шуғулланмадим. Чунки бизлар учун олди-сотди ишларига аралашиб бениҳоят айб. Маҳалладаги ғаламислар ганжинамда шунча пойафзал борлигини сезиб қолсалар, «Тақсирим яширинча савдогарчилик қилар эканлар!» деб, ихлосларини қайтариб оладилару, бу гап уламолар қулоғига етиб, ҳамкасблар маломатига қолиб кетаман. Шу шарт биланки, ҳамма ухлаганда, оз-оз ташиб келасиз!

Ҳожи вофуруш енгил тортиб, қуллуқ қилди:

— Зинҳор-зинҳор биров билмаслиги керак, кундуз кун олиб келиб бўладими? Сиз биласиз, тақсир, мен биламан, худо билади, холос!

Вофуруш айтганини қилиб, эл ухлаган вақтда пойафзалларни ташиб келиб, ганжинадаги ёғочларга осди-ю, қулфлаб, калитни мав-

лавига топшириб, мавлавини худога топшириб, хотиржам бўлиб кетди.

Ёз ҳам ўтди, куз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг куни туғди. Ана шу кунларнинг бирида Мирза Қарим вофуруш яна мавлавининг мадрасан Хиллакордаги ҳужраларига кириб келди:

— Тақсир! Эртага Чўнқайманинг бозори куни! Савдо кушод қилиб, омонатдан юз пар олиб бормоқчиман. Кечаси сизни безовта қиламан-да!..

— Қанақа омонату, ниманинг юз пари?..

— Пойафзаллар...

— Туш кўряпсизми, ҳожим?.. Астаффурулло!..

— Жон тақсир! Бу нима деганингиз? Ганжинангиздагиларчи?..

— Тавба! Бошқаларнинг жиннилиги тош қизигида қўзғалса, сизники хазонрезгиликда қўзғайдиганга ўхшаб қолди!.. Ўтиринг, дам солиб қўяман!

— Вақт зиқ, кўнгил нозик, тақсир! Қўйинг шунақа ҳазилларни!

— Сиз нималар деб, алжияпсиз? Душманларимнинг сўзига кириб, эл ўртасида обрўйимни поймол қилиш учун бундай тухматлар қилишга уялмайсизми? Қўйинг, э!.. Биз сиздан буни кутмаган эдик! Оҳ-ҳо!..

— Войдод!.. Омонатларимни беринг, алдаманг, ўғри олиб кетган бўлса, уни айтинг, жон тақсир!..

— Тур, йўқол, ҳужрамдан чиқ! Биладан, мен уйланган қизга сен ҳам совчи қўйган эдинг. Сенга бермай, менга назир қилганлари

учун алам қилиб, эл ўртасида обрўйимни тўқмоқчисан!..

Бу машмаша қўшни ҳужрадагиларга маълум бўлди, ундан шаҳарга ёйилиб, дув-дув гап:

— Нима дейсанки, Мирзакарим ҳожи вофуруш хотин масаласида мадраса Ҳиллакорнинг бош мударриси мавлави Мирсидиқ билан ўчакишиб қолиб, қандай қилиб у кишидан ўч олишни билмасдан, пойафзал ўғриси қипти!..

«ЕТМИШ ПРОЦЕНТ...»

Розиқ полвон шу районда отнинг қашқаси-дек ҳаммага маълум-машҳур эски колхоз раисларидан бўлиб, пахтачиликда донг қозонган кишилардан бири ҳисобланади.

Полвон раислик қилиб келаётган колхозга ўтган йил қўшни колхозлар бирлашгандан кейин кучга куч, ерга ер қўшилиб, пахта ва бошқа зироатлардан улгуржи ҳосил кўтарган эдилар. Айниқса, уч минг тўрт юз гектар ердан ёппасига ўттиз тўққиз ярим центнерга етказиб пахта териб олиб, йиллик плании бир юз тўққиз процент бажарган эди. Аммо, негандир, қандай сабаблар билан ўғил уйлантириш учун бошланган тўй ҳаракати ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

Ошна-оғайнилар бунинг сабабини Полвондан сўраганларида, Полвон: «ўғлим, институтни тугатиб олай, кейин уйланаман» деб, унамаган эди деган баҳона билан ҳамма айбни куёв бўлгувчи йигитга юклаган эди. Текшириш, аниқлаш вақтида бошқача бўлиб чиқди: тўйнинг қолиб кетишига Полвоннинг ўзи сабабчи эмиш, Полвоннинг ўғли кўнгли яқин

Ўртоқларига отасидан шикоят қилиб, бундай депти:

-- Бултур, 1959 йилда пахтадан колхозизмизнинг ошиғи олчи турган эди, колхозчилар отамга: «Қани, тўйни бошламайсизми?» деб, луқма ташлаганларида, отам қўл силтаб, «Олтмишинчи йилда пахта планини юз элликка етказиб, тўйни бир ярим баробар катта қиламан!» деб катта кетган эди. Энди нима бўлди? 1960 йилда пахта планини колхоз етмиш процентга зўрға еткизди-ю, эндиги тўй тўй бўлмай ўладими!..

Колхоз активларидан тортиб узоқ-яқиндаги ошна-оғайниларгача — ҳамма Полвонни қистовга олиб: «Тўйни бошланг!» дея берганларидан кейин, у ноилож тўй тараддудига киришди. Бундан ўғил ҳам, қуда томон ҳам, бу ишга бош қўшганлар ҳам хурсанд. Аммо Полвоннинг бир иши чатоқ.

Полвон кўнглига яқин ёру биродарларини маслаҳат ошига йиғиб, уларга тўй ҳақидаги ўз мулоҳазасини ўртага ташлади:

— Тўйга бўладиган сарф ҳам, тўйга айтиладиган меҳмон ҳам мўлжалга қараб етмиш процентга қисқартирилади.

Ўтирганлар таажжуб билан бир-бирларига қараб олдилар. Булардан биттаси Полвонга савол ҳам ташлади:

— Ундай бўлса, уйингизга келиннинг етмиш проценти келадими?

— Йўқ! Ўғлимнинг куёв бўлиб бориши юз процент, куёв бўлгандан кейин келиннинг келиши ҳам юз процент бўлишини талаб қиламан!

Розиқ полвон талаб қилса-қилмаса куёв

келиннинг бир грамм тоши камайиши мумкин эмас, бу томондан хотиржамлик. Аммо қуда томонга кетган одам изига қайтиб келди. Қуда томон Полвон томондан эълон этилган «етмиш процент» шиорига бутунлай қарши туриб, бундай жавоб беришибди:

— Қолган бўлса, қуда томоннинг колхози етмиш процентда қолган, бизнинг колхозимиз 60 йилда планни 120 процент бажарди. Шунинг учун биз тўйни ҳам 120 процент қилиб ўтказиш тарафдоримиз. Бўлмаса Полвон раислик қилаётган қўшни колхоз юқори ҳосил етиштириб, пахта планини ошириб бажаргунча тагин тўйни қолдирамиз!

Полвоннинг «Кўрпага қараб оёқ узатиш керак!» деган даъволари қуда томонга ўтмайдиганга ўхшаб қолди. Аксинча, агар «кўрпага қараб оёқ узатадиган» бўлганда, қиз томонда бўладиган тўй, орзу-ҳаваслар Полвон ҳисобига асло тўғри келмайди. Энди нима қилиш керак? Ўғил қишлоқ хўжалик институтини битириб, агроном; қиз Фарғона пединститутини битириб келиб, ўз колхозининг ўрта мактабида юқори классларга физика-математикадан ўқитувчи бўлса... Бунинг устига, қулоққа чалиниб турган миш-мишларга қараганда, қизга харидор ўзининг бошидаги сочдан ҳам кўп. Ота-онасига қолса-ку, Полвонга аччиқ қилиб, аллақачон эрга бериб юборар эди-ю, андишалик қиз бунга йўл бермай келаётган эмиш!

Бу машмашаларни, яъни Полвон томонидан ўртага ташланган «Етмиш процент» шиорини эшитиб қолган қиз, куёв бўлувчи йигит номига бир нордон хат ёзиб юборибди. Йигит хатни олиб, мазмунидан хабардор бўлгач, чи-

дамасдан уни онаси орқали отасига етказибди:

«Азизим Турғунали! Бир-бирини севишган икки ёшнинг тақдири наҳотки бир йилдан бери отангиз раислик қилаётган колхознинг пахта планига боғланиб, бирга ҳаёт кечириб, бирга яшаш олдидан бўлиб ўтадиган оддий маросим тобора мушкуллашиб бораверса! Биз иккимиз икки колхозда туғилиб ўсган фарзандлармиз. Лекин инсон пахта учун яшамайди, балки пахта инсон учун экилади. Отангиз раҳбарлик қилаётган колхоз ўтган йил пахта майдонига парвариш беришда судралиб, кузда юқори ҳосилдан маҳрум бўлиши учун биз айблими? Колхозларингизда пахта плани етмиш процентда қолган бўлса, у колхознинг иши, унинг учун бизнинг муҳаббатимизни камситмасликлари керак!

Дабдабали катта тўйнинг кераги йўқ. Отларимиз коммунист бўлганларидек, биз иккимиз ҳам комсомол аъзоси, олий маълумотли қишлоқ зиёлиларимиз. Шунинг учун ҳам бизнинг тўйимиз ортиқча дабдабалардан қочган ҳолда, камчиқим, сермазмун бўлиб, бошқаларга намуна бўлсин! Бундай тўйнинг тақдири етмиш процентда қолган колхознинг аянчли тақдири билан ўлчанмаслиги керак. Чунки бу «етмиш процент тўй» деган миш-мишлар халқнинг кулгисига сабаб бўлади.

Ҳурмат билан: Манзурангиз.

Хатни ярим овоз билан ўқиб чиққан Розик полвон увиган нондек бўшашиб, супада атлас кўрпа қавиётган хотинини ёнига имлади:

— Уғлинг нима дейди?

— Нима дер эди: Манзуранинг даъволари Уринли, дейди.

— Шу аҳволда юз процент тўй қилишга юрагим ботинолмаяпти, хотин! Эшитганлар нима дейди?

— Келинингиз сиздан катта тўй талаб қилмаяпти-ку, отаси!..

— Сен шунақа дейсан. Кимсан фалончман! Кўпнинг тўйи, дастурхонида бўлганман. Бунчалигини билганимда, бу орзу-ҳавасларни бултур қилиб ўтказмасмидим, э, онаси!

— Хатни ўғлингиз ўқиб берди, хийла ақли бор, зийрак қиз, хатда гапирган гаплари ҳаммаси тўғри, пахта плани колхозда тўлмади деб, уларни камситиш икки ёшга оғир ботганга ўхшайди. Хатни ўқигандан кейин ўғлингиз дўнғиллаб: «Отам орзу-ҳавас билан уйлантириб қўяди деб кутиб юрадиган йигитлик даврлари аллақачон ўтиб кетди; ўқитиб, олий маълумот олиб, қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиб етишишимга ёрдам қилганлари учун отамга раҳмат. Аммо энди мени уйлантиришда ташвишимни тортмасалар ҳам бўлади. Фақат бу томонни ўзимга қўйиб бериб, томоша қилиб турсинлар. Шундай тўй қилайликки, унда иштирок этган ҳар бир кекса, ҳар бир ёш ҳавас қилсин», — дейди.

Бу сўзларни эшитар экан, Полвоннинг энсаси қотди:

— Мен қўл қовуштириб, томошабин бўлиб турадиган тўйнинг қай тарзда бўлишини бир кўз олдига келтириб кўрсин!

— Айтишича, тўй маросими колхоз клубида ўтар эмиш; ёш-яланглар гул кўтариб келиб,

уларни табриклар эмиш; шаҳардан театр келармиш; концертда фақат янги ҳаёт, ёшлик баҳори, бахтли турмуш ҳақида қўшиқлар айтилар эмиш; дастурхонга таклиф қилингунча пар-пар бўлиб рақсга тушишар эмиш; кейин район комсомол комитетининг секретари табриклар, мажлис ўтказиб, ичкарига, столга — дастурхонга таклиф қилар эмиш; йигит-қизлар куёв, келинни ўртага олиб, ичкарига киришар эмиш, мана шундақа гаплар...

Полвон хаёлга ботди. Орага сукунат чўкиб, эру хотин андак ўйланишиб олганларидан кейин, Полвон бирданига қаттиқ кулиб юборди, хотин бир чўчиб тушиб, ўз кўксига тупураар экан, жилмайиб Полвонга қаради:

— Нима бало бўлди, отаси? Бехосдан шағал тўкиб қолдингиз?

— Уғлингнинг маслаҳатини танамга ўйлаб кўрган эдим, елкамни босиб турган тоғнинг оғирлиги етмиш процент камайди! Оббо, боласи тушмагурлар!..

— Бундан чиқди, сиз ҳам шундай тўйга тарафдормисиз?

— Тантана клубда ўтгандан кейин меҳмонларни машиналарга ўтқизиб, уйга олиб келамиз. Тўйнинг давоми — тонг отар шу ерда бўлади.

— Юртга ош бериш-чи?

— Қозонни клубнинг орқасига осиб, кундузги ошимизни берамиз, кечки тўй фақат ёшларга хос! Тушундингми?

— Ақлим етмайроқ турипти!

— Бўлмаса, ақлингни чўзиброқ еткиз. Бу гап менга маъқул, районда биринчи янгича тўй, ким эшитса қойил қоладиган тўй бўлади.

Унинг устига, етмиш процент ҳам чиқим бўлмайди, одамларга кийгизилиши лозим бўлган элликта тўн, элликта шоҳи қийиқ, юзта дўппининг пулига икки юз ёш учун ажойиб стол ясатиш мумкин. Ошни шу ерга келиб ейишади. Ҳаммасидан ҳам маломатдан қутулиб қолишимизни айтмайсанми!

— Қуда томон бунга рози бўлишармикин?..

— Қудам Ҳожимат ҳам тушунадиган одам. Борди-ю, тушунмай қаршилиқ кўрсатса, уларни кўндиришни қизнинг ўзига юкланади. Иложи бўлса, ўзим ҳам гаплашаман. Албатта рози бўлишади. Шунга қараб сен ўз ҳаракатингни тезлатавер, онаси!

Кечқурун ўғил уйга келганда, Полвон ўз розилигини билдириб, онгли ўғилга ташақкур изҳор қилди:

— Гарчи эски пахта устози, кўп йиллардан бери колхозга раҳбарлик қилиб келаётган киши бўлсам ҳам, билим кам, фақат тажрибага суянган одамман. Биласанки, ўғлим, пахта планида оқсаб, ўтган йил ерга қарадик. Энди, бу йил ўтган нуқсонлар қайтарилмаслиги учун техникага маҳкам ёпишиб олиб, экиш, ундириш ва йиғиб олишда машинадан фойдаланиш мақсадидамиз...

Полвоннинг ўтган йилги хатолари ва эндиги қилинадиган ишлар тўғрисидаги гапни чўзиб юборганидан, она-бола ер тагидан бир-бирларига қараб кулимсираб қўйдилар. Хотин луқма ташлади:

— Ош дамидан ўтиб кетди, тўй тўғрисида ош устида гаплашсак ҳам бўлар...

Полвон хотинига қараб:

— Дарвоқе, гап тўй тўғрисида бораётган эди. Сен ошингни сузиб келавер, тўй тўғрисида ота-бола гаплашиб турамин.

Хотин ош сузишга кетди, Полвон рўпарасида жим, сабрсизлик билан яхши натижалар кутиб ўтирган ўғлига тўйдан сўз очди:

— Тўй тўғрисида гапирмоқчи эдим, гап бошқа ёққа бурилиб, аччиқичакдек чўзилиб кетди шекилли... Мен тўй харажатидан қочиб, етмиш процент деганим йўқ. Балки колхозларда одатга кириб қолган тўй маросимлари сарф бўладиган беҳуда, ўринсиз чиқимлар, исрофгарчиликларни юрагим кўтармай, ўша етмиш процент харажатдан ҳам айниб нафасимни ичимга ютиб турган бир пайтда сиз, куёв-келинлар томонидан киргизилган таклиф кўзимни ярқ этиб очиб юбордики... Бундай тўйни чиқимидан мени қочира олмайсан, бундай тўйни энг яхши орзу-ҳаваслар билан ўтказсам, хижолат чекмайман, балки мағрурланаман! «Москвич»ни ҳайдаб, дарров Манзуранинг ёнига бор; тўй планини тузинглар; кимлар айтилиши, қанча стол, стул, қанча идиш-товоқ керак. Ҳаммасини аниқлаб, менга рўйхатини топширинглар, мен чорасига киришай!

— Хўп!

Учалалари бир товоқ ошни иштаҳа билан туширганларидан кейин Турғунали улардан олдин қўлни артди-да, пиёладаги чойни чала ҳўплаб, гаражга чопти, онаси чойни Полвоннинг олдига суриб қўйиб, хафсала билан кўрпа қавишга ўтирди. Полвон уч-тўрт пиёла кўк чойни босиб ичиб, ёнбошлади. Орадан кўп ўтмай хуррак товуши айвонни ларзага келтира бошлади.

Игнага ип ўтказиб, уни тишида қирқаётган Турғуналининг онаси хотиржам хуррак отаётган эрига қараб, меҳр билан ардоқлаган бўлди.

— Бечора отаси... Мана энди уйқингиз ҳам юз процент.

ПАРРАНДА ПАЙРОВ

Қайси бир кеч район марказида колхоз зоотехникларининг йиғилиши бўлиб, илғорлар мақталган, қолоқ зоотехниклар танқид қилинган эди. Йиғилиш тугагач, танқид еган Салимов, танқид қилган ўртоғи Каримовни колхозни узоқ бўлгани учун ҳоли-жонига қўймай, уйига олиб кириб кетди. Лекин Салимов анча диққат ва бўғилган эди.

Каримов ўртоғи Салимовни танқиддан хафа эканлигини сизди:

— Қовоғингни очсанг-чи, Салимов! Сени боплаб танқид қилган «улар»-ку, менга «кеклик» қиласанми?

— Ҳали танқид қилмадим, дегин? Ана, «майна»бозлик! Менга ёлғон ишлатадиган бўлсанг, сен «сутти» оқ десанг ҳам ишонмай қўяман!

— Аҳволинг шу бўладиган бўлса, дўстим, мени у «зоғ»дан кўрганда сўкиниб, «қарға»б юрмасанг гўрга эди!

— Сен бировни танқид қилсанг ўринли, мағизли, донли мисоллар билан танқид қилсан, деб юрар эдим. Нега унақа? Гапинг жуда «бедон-а»?

— Ҳадеб ўпкангни кўрсатавермай, бир чой олиб чиқ! «тур! Ғой»ибназар!

— Ҳолинг шу бўладиган бўлса, бошқа бир одамни кўрсатиб, сани танқид қилган «булбул» дейишдан ҳам тоймайсан!

— Йиғиб юрган шунча гапинг бор экан, четга тортиб, ўзимга айтиб қўя қолмай, кўпчилик ўртасида гапингни «бўм»ба қилганингни қара! Э, «чули-чули!»

— Мажлисда чиқиб гапирсанг бўлмасмиди? У ерда жим ўтириб, уйда «бой ўғли»нинг қилиғини қиласан-а?

— Қамчилигимни тўғри топиб гапирганингда, сенга «лак-лак» раҳмат дер эдим. Тополмадинг!

— Тўғри танқид қилдим, сен менинг танқидимга тўғри баҳо бериш ўрнига, тўғаноқ бўлмоқчимисан? Э, «олла, тўғаноқ!»

— Мен сени эшитяпсан деб, сенга ҳасрат қилсам, сен эшитмасликка олиб, гапни бошқа томонга буряпсан! Татарча қилиб айтганда, эшитасанми, йўқми?! Э, «кар қўноқ!»

— Яна ҳам баъзи ортиқча ҳаракатларингни очиб ташламадим! Одамларнинг айтишича, зоотехникликни йиғиштириб қўйдинг, ов қилиш учун милтиқ сотиб олдинг, овчи сани, «ит олгу»дек дейишади!

— Шунини ҳам гап қилиб гапирсанг, билганлар сени «ғуррак»и дейишарди. Бу гап ҳазилми, «чин қарча?»

— Сен чинакам одам бўламан десанг, ундақа гапга «суқсур» одамлардан бўлма, оғайни!

— Насиҳатингни ўзингга қил! Ҳў, «му — сича!»

— Ҳозир мен билан муштлашгудек аптинг бор! Мунча ва «ло, чин» акамига бўғилмасанг!

— Ошначиликнинг оқибати шу бўлаган бўлса, гапирма, «тур, на» ри! Гаплашмай қўяман!

— Аччиғинг кенгашда келмай, уйингда келганини «кўр, шапалак»!

— Сен кенгашда «то, вуқ» демасанг, мен билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ эди. Менга қарашли паррандаларнинг ҳамма«си мурғ»лар!

— Сен гапирмасанг, ух «ху... мо»ламас эдим десанг-чи?

— Минбардан туриб, одамларнинг юрагига қармоқ солишга уста чиқиб қолдинг! О, «балиқчи»-ей!

— Минбардан сенинг рангингни оқариб кетганини кўриб, «тегирмончи» хаёл қилибман!

— Қайси куни ошхонада қилганинг озгина сар«фу, пишак»дай гўштни тортқилаганинг ёдингдами?

— Уша куни сен учун пулимнинг «кўпини сар»ф қилайин-у, бу таънанг ортиқча!

— Кечаги концертнинг ярмини хор эгалади! Сен программада «хор оз» демаганингда, бориб ухлар эрдим!

— Тўртта ашулачи бирга «жўр» бўлганини ҳам хорга қўшма-да!

— Мени концерт залида ёлғиз «қолдирғоч», ўзинг қаёққа зим-ғойиб бўлдинг?

— Севганим «Қумри»хон ёнига имлади.

— Сени шунақа бесаранжом қадам қўйишларинг ярамайди дўстим, бундай кетишлар

«сенча, лак»ка етган бўлса ҳам, кечирим сўрамайсан!

— Кечир, дўстим! Сенинг шу «ҳакка» ўхшаган дағал сўзларингга борман!

— Аҳволинг шу-ю, яна дўстим, мени «сава» ладинг деб, хафа ҳам бўласан!

— Мен сендан дўстона «гап тар»зида танқид қилмай, бўрттириб юборганинг учун койидим.

— Ёмон бўлсам, сен билан муштлашмасмидим. Ё кучи йўқ деб ўйлайсанми? Ялангликда бел олишсанг, бор ку«чим», чиқ!».

— Кучинг бор, баданингда гўштинг гирт! Борди-ю, ишонмасам «чи, гиртга», у вақтда бу гапни гапир!..

— Сенинг айтганларинг «ҳақ-ку», аммо мен ҳам ҳақгўйман!

— Хафа бўлма! Мен сенга анча бердим, о«зор ғолдоқ!»

— Сен билан курашиб юрганлар, сени мақтаб, пилдиратиб йиқитади дейишди. Сен ҳали шунақа «чархчи» мисан?

— Дўстим, сен менга яхши ту«шун, қор»ши эмасман сенга!

— Бўлмаса менга нега шунча хўмраясан? Э, «қуралай» кўз! Мен унақа «бағри қора» одам эмасман!

— Беғаразлигингдан мен ҳам «келовур» дедим-да.

— Эртага ҳам ишинг бўлмаса, кетма қора «қош, қол, доғ» қолдириб кетиб қолма!

— Эртага вечером колхозда бўладиган мажлисда докладим бор. Кўришолмасак хайр, у «турум той»га миниб, жўнаб кетаман!

— Бундан кейинги суҳбатимиз бундақа.

ҳасрат, о«ғоз» бўлмасдан, ширин суҳбатлашамиз.

— Бу сафар ўзингни зўрдак, оғзингни «ўрдак» кўрсатиб юбординг.

— Яна бемаза гаплардан чигир-чигир қила берсанг, эшикни очиб қўйиб, «чигир, чиқ!» дейман!

— Ухламайдиган бўлсак, тур, қартангни «чил!»!

— Уйқудан карахтман! Яқинроқ келиб, қулоғимга «то вус» силламасанг эшитмайман!

— Тонг ёришай деб қолгандир! Бу аҳволда уйқу плани қачон «тўлғай»?

— Узоқдан азон айтганини эшитдим. Сен қандақа «сўфи тўлғай» деб ўтирибсан?

— Уйқу қочди, қорин очди, бўш товоқни «қара, ялағ» удек бўлиб туриппан. Ҳеч нарса борми?

— Топганимни сенинг бошингдан «соч»сам арзийди.

— Кўз тегмасин. Яхши я«шамак» учун уйингда ҳамма имконият бор.

— Соат беш бўлди, пайров тамом!

Шу пайт девордаги соатдан бир қуш чиқиб, беш марта сайраб, кириб кетди:

— Какку! Какку! Какку! Какку! Какку!

«Ж А Н Н А Т»

I

Абжаббор гоҳ кўзларини катта-катта очиб даҳшатли манзарани кўздан кечирар экан, қўрқиш аралаш кўзларини чирт юмиб, хатарли йўлда давом этар, тасодифан қоқиниб, оёғи остида тиржайиб ётган қадимий калла суякларини кўрар, иссиқ тер совуқ терга айланар, вужудини титроқ босиб, жунжикиб кетар, жуда йироқдан саробдек ялтираб кўринган баланд деворларга тезроқ етиб олиш ва у ердан ҳаёт ва бошпана топиш тараддуди Абжабборни тобора олдинга рағбатлантирарди...

Қўрқишданми, очлик ва ташналикданми, ҳорғинликданми, қандай бир сабаблар билан кўтарилган иситма уни маст-аластлик билан тентиратиб, аллақандай йўлларга бошлаяптими, бу кўнгилсиз сафар азоби унинг бутун вужудига оғриқ бўлиб ёйилмоқда:

— Ажабо! Бу бошнинг зирқираши ҳароратники эмас, тош тегиб, заҳалангандек аллақандай без-без қилмоқда! Ахир мен ҳалигина симёғочга тирмашиб, «Қошка» тирноқларини ишга солганим ёдимда турипти! Қандай қилиб бу қўрқинчли сафарга отландим? Абжаббор бошида оғриқ аралаш шу саволлар айла-

нади, яна ўша ялтироқ деворларга етиб олиш учун жадалроқ қадамлайди ва маст кишилар сингари тентираклаб, ўзи билан ўзи гаплашди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ниҳоят, Абжаббор мантёр даҳшатли баланд деворга қинлашди.

Живир-живирлаб турган бу юксак нақшин деворнинг яқинига бориб томоша қилар экан, бу қадимги эҳотанинг нураб бораётганлигидан далолат берувчи ҳолларни кўздан кечириб, нималигига ақли бовар қилмагач, девор ёқалаб юришни яна давом эттирди. Бир неча чақирим яна йўл давом этгач, пештоғи баланд дарвоза кўринди. Абжаббор жон талвасасида дарвоза томон югурди.

Жонсиз жазирама ўртасида қўнқайган бу қадимий эски қўрғоннинг сири Абжабборни қизиқтирар, дам дарвоза ўймакорлигига, гоҳ ундаги олтин қуббали занжир ва ҳалқаларга кўз югуртириб чиққач, сарой ичкарасидан бошпана топиш мақсадида дарвоза ҳалқаларига қўл юбориб, тақиллатишга журъат қилар эди.

Электр симларини эшиб, қаттиқ ёғочларни тешиб тобланган пай бармоқлар катта ҳалқани жунбушга келтириб, қаттиқ қоққандан кейин, дарвоза орқасида шарпа пайдо бўлди, йўтала-йўтала бир йўғон, ярим яланғоч мўйлови шопдек, қанотли бир кекса дарвозани очиб, ичкарига ишора қилди:

— Марҳамат, жаннати банда!

Бу дарвозабоннинг важоҳати Абжабборни олдин андак эсанкиратиб қўйган бўлса ҳам, сир бой бермай ичкарига қадам қўйди. Бу важоҳатли, ғалати, қанотли дарвозабон кекса фаришталардан эди. Бу дарвозадан кириб ке-

лиш Абжабборга гўё жаннатга электр туширмоқчи бўлгану, Абжабборни бирор художўй бошлиқ томонидан «шу хизматни бажариб кел!» деб юборилгандек сезилар: бир елкада жуфт «Қошқа», бир елкада сўмка, шахдам қадам ташлаб, боққа бормоқда эди. Садақайрағоч остида чўзала тушиб, ошиқ отаётган кекса фаришталардан бирининг кўзи Абжабборга тушиб, бақирди:

— Ҳо, инсон! Тўхта!..

Бу терговчи фаришталардан Мункар эди, иккинчиси ўрнидан туриб, қўлидаги ошиқни ерга ташлади-да, қовоғини солиб, мўйловини бураб, Абжаббор томонга юрди. Бу терговчининг ёрдамчиси Накир:

— Сен қачон ўлгансан? Шунга қараб, ман рўйхатдан номингни осонроқ топиб олишим керак!

Абжаббор ҳайрон бўлди:

— Кечирасиз! Мен ўлган эмасман, адашиб келиб қолдим!

— Ўлмаб бу маъвога етишиш мумкин эмас, йигитча! Бу гапинг мутлақо ёлғон! Отингни айт!

— Отим Абжаббор...

— Отангнинг оти?

— Абжалил.

— Касбинг?

— Монтёр!

— Бу нима деганинг?

— Хонадонларга нур ташийман, ёруғлиқ бераман!

— Жаннатга кириш учун далилларинг нимадан иборат? Яъни, худо йўлида қилган тоат-ибодатларинг?

Абжаббор тушунолмаи елкасини қисди:

— Унақаларга қўлим теккани йўқ; кечасиям, кундузиям халқнинг ҳожатини чиқариш билан банд бўлиб, тоат-ибодат қилишга вақт орттиролмаганман!

Бу жавобни эшитган иккала терговчи бир-бирларига қараб ғудирлашди:

— Бу одамни ўлганлар рўйхатида ҳам учратмаган эдим.

— Жаннатга киришга асос ҳам йўқ!

— Ё пора, ёки ошна-орайнигарчилик орқасида бу даргоҳга йўл топган бўлиши мумкин!

— Эрка бандалардан биронтасига қариндош бўлиши мумкин. Шу юрган бекорчи сўлақмонлар орасида юрса юрипти-да, унга ошу нон берармидик.

Накирнинг бу хоҳишига Мункар қўшилган ва Абжабборга жаннатдан эркинлик беришга розилик билдирган бўлса ҳам унинг бошида бир чигал савол айланиб қолди. Масалан, ўлмаган одамнинг жаннатда сайр қилиши жойизми, йўқми?.. Албатта мумкин эмас! Бу қатъий интизом! Мункар терговчи Абжабборга бурилиб, бир шарт қўйди:

— Шу шарт биланки, сан ўлган бўлишинг керак. Бунни аниқлаш учун сани Азроилга рўпара қилишимиз керак! Сенинг жонингни олганлиги ҳақида у сенга справка беролмас экан, ишинг чатоқ! Борди-ю, дарҳақиқат сен ўлмаган экансан, озгина чойчақани аямасанг, Азроил ҳам справка беришдан бош товламайди. Шунингдек биз ҳам қуруқ қолмайлик, оз-оз чўз...

Абжабборда пул йўқ эмас, бор. Лекин пул

тўлаб боққа кириш вақтлари аллақачонлар ўтиб кетиб, текинга боғ сайр қилишга ўргангани сабабли бу гап малол келди-ю, яна саховати тутиб кетиб, «Ҳали бизда зоопарк пулга киргилади-ку...» деган мулоҳазани ўртага қўйиб, терговчиларга бир сўм-бир сўм узатди, улар ҳовурларидан тушиб, қиморни ҳам эсдан чиқариб, Абжабборни хуррак отаётган Азроил томонга бошлаб олиб кетдилар.

Бир супада ойболта билан арқонни бошига қўйиб, бир қанотини остига ёйиб, бир қанотини устига ёпиб, кекса бир паришта ухлаб ётар эди, Мункар Абжабборга уни ишора қилиб, бундай деди:

— Ҳазрат Азроил деб эшитган бўлсанг, ўша жон оловчи фаришта мана шу! Бу кекса фариштанинг олдинги кучу қуввати йўқ, бир одамнинг жонини олиб чиққунча чарчаб қолади. Менимча, уйғотиб ўтирмайлигу, кўнгилдан чиқарганингни бизга бер, биз ўзимиз унга тушунтириб, ўлганлар рўйхатига номингни тиркатиб қўямиз.

Бу таклиф Абжабборга малол келди:

— Бир сўм ҳазрат Азроилдан айлансин! Аммо илтимос шу: мени ўлганлар рўйхатига ёздирмай қўя қолсаларинг! Негаки, мен жаннатда донмий қола олмайман, менинг ўзимни ёруғ дунёда яхши кўрган Жаннатим бор! Ундан ташқари, ватанимда қиладиган ишларим тўлиб-тошиб ётипти!

II

Мункарнинг топшириғи билан кичик терговчи — Накир Абжабборга жаннатни таништира бошлади:

— Севган бандалари учун худой таоло етти жаннат барпо қилган эди. Ер юзи пошшоларидан Шаддоднинг боғини мусодара қилингандан кейин, жаннат саккизга бўлди. Бу жаннатларнинг яна бир номи беҳишти анбар сиришт ҳамдир. Биз ҳозир тўртинчи беҳиштдамыз, бу беҳиштда жуда-жуда ҳам одам кўп, булар ҳар бир миллат диндорларидан, пулдорларидан иборат бўлиб, бутун умри ва бойлигини худо йўлига сарф қилган ислом ва маъжусий руҳонийлар, боёнлардирлар.

Бу гапдан таажжубланган Абжаббор савол бера бошлади:

— Ошхоналар борми?

— Қанақа ошхона?

— Ошхона бўлмаса, шунча одам қаерда овқатланади?

— Жаннатдагилар овқат ейиш, кийиниш, эри хотин бирга яшаш, фарзанд кўриш, муҳаббат, бу ердан ташқарига чиқиш, тирилиш орзуларидан маҳрум!

Абжаббор кулиб, пешанасига урди:

— Қойил!. Уша ўзимизнинг ер юзидаги қамоқхона жаннатдан тузукроққа ўхшаб қолди!

— Юм оғзингни! Жаннатда бу сўзларни гапириш мумкин эмас!

— Жаннат қондаларига хилоф иш қилиб қўйса-чи?

— Ундай бандалар жаннатдан қувилиб, дўзоҳга юборилади! Масалан, сизларнинг катта боболарингиз «Одамото» билан катта молларингиз «Момоҳаво» жаннатда шўхлик қилишиб, қонун-қоидаларни бузишиб, ман этилган буғдойни еб қўйишиб, ер юзига ҳайдалган!

— Хўп иш қилишган экан, ёруғ дунё маза!
Накир Абжабборга бир хўмрайиб қараб қўйди-ю, олдинга бошлаб кетди: Бир яланг ерда сарғайиб кетган кафанини белига чулганган, сочу тирноқлари ўсиб кетган имомлар, поплар, шайхлар, шоҳлар, мулкдор ва пулдорлар рақс томоша қилмоқдалар, бир тўда ярим яланғоч бадани буришган, сочлари оппоқ кампирлар пардоз-андоз билан ўртага тушиб ўйнамоқдалар. Накир буларни Абжабборга танитиб, таърифлай бошлади:

— Жаннат ҳурлари деб қулоғингга етган бўлса, улар мана шулар. Жаннат бино қилинганда булар ёш, дириллама қизлар эдилар, буларнинг ўрнига кадрлар етиштириш масаласида негадир тангри қизиқмай, бу собиқ ёш раққоса парилар кексайишиб, тишлари тушиб, жағлари билан бурунлари ўпишиб қолган бўлса ҳам, нозу ишвани қўлдан бермай келишяпти. Аммо сен Ғулмон деб эшитган эркак ўйинчиларимиз жуда мукчайишиб қолишди!

Бир томондан ҳарорат, яна бир томондан даҳшатли йўл азобини кечирган Абжаббор ниҳоятда чанқаган бўлса керак, кампирлар рақси ва унинг кафангадо томошабинлари ҳам кўзига кўринмай, Накирга мурожаат қилди:

— Менга водопровод бор ерни кўрсатиб қўйсангиз, жаноб терговчи!

Накир водопроводга тушунмади шекилли, жавобга ожизлик қилиб, Абжабборга савол берди:

— Унинг нимаси?

— Суви!

Накир узоқдаги катта ҳовузни кўрсатиб:—
Ана сув! Бу ҳовузни «Ҳавзи кавсар» деб атаймиз. Кўнглинг тортса, ётиб ичавер!

— Кўнгил тортмаслиги ҳам борми?

— Суви эскирган. Унинг устига, жаннатдагилар шундан ювинишади, чўмилишади. Ҳар ҳолда турли касалликлар баҳонаси билан ўлиб келган жаннатилар бу ерда бор. Улардан кўплари ўша эски касалидан ҳам қутула олгани йўқ. Мисол учун, бу ердаги кўпчилик имом, сўфилар меъда касалига мубтало!

— Жаннатда доктор йўқми? Масалан, табиб...

Жаннатилар орасида табиблар кўп. Лекин дори-дармон йўқ. Борди-ю, дори-дармон бўлсин, жаннатда ўлиш, тирилиш, туғилиш ман этилган бўлгандан кейин унга нима эҳтиёж бор? Бунинг учун ҳеч ким бош қотирмайди. Яшаш абадий бўлгандан кейин докторга ҳожат йўқ. Имом, сўфилар меъда касалига мубтало экан, бунинг учун тангри-таоло айбли эмас! Еруғ дунёда нафсларини ўзлари тиймаганлар!

Абжаббор учун бу можаролардан бир ҳўп-лам покиза сув афзал эди. Гапнинг рости, «Ҳавзи кавсар» сувини кўнгли кўтармай, атрофдан оқин сув қидириб кетди. Шунча катта жаннатда ариқ йўқ. Таажжуб билан кўм-кўк яшнаб турган дарахтлар баргига қўл югуртирди: ҳаммаси сунъий, ҳаммаси турли қоғозлардан ишланган илоҳий дарахтлар эканлигини сизди, юрагига ваҳима тушиб, ҳар томонга югурди. Чанқоқлиқ ғолиб келиб, Абжабборни енга бошлади. Шу вақтда бир фаришта келиб, Накир қулоғига шивирлади:

— Ҳозир бировни гўрга қўйишипти, тезроқ боришингиз керак экан!

Накир Абжабборга узр айтиб, вазифани бажариш учун Мункар билан аллақайси гўрга кетди. Шу вақтда рақс тугаб, жаннатилар кафанларини судрашиб, ўз «палатка»ларига тарқалмоқда эдилар. Улардан бири Абжабборни таниб қолиб, қичқирди:

— Ҳой, йигитча! Сен уста Абжалилнинг ўғли эмасмисан?

Абжаббор бир чўчиб тушиб, ичига тупурдида, рўбарўсида ярим яланғоч, соқоли ўсган одамни таниди. Бу жаннати, ўтган рўзада қорни ёрилиб ўлган домла имом — Нафсиддин қори эди. Абжабборнинг юраги шув этиб, орқасига тортиб кетгандек бўлди. Чунки Абжаббор бу шахсни яхши танир эди: бу шахснинг нафси ёмонлигидан маҳаллада «Аждар қори» дер эдилар. Абжаббор ўзини тўхтатиб олиб, масхараомуз қорига савол ташлади:

— Домла бувол Жаннатга кириб олиб, хурсандмисиз?

— Асло сўрама! Бу ердагиларнинг ҳаммалари ўзимга ўхшаганлар! Аммо уларнинг мингтасидан бир товоқ ош аъло! Бу ерда на бир бурда нон, на бир ошам ош!.. У ёққа тўпланиб борамиз, бу ёққа тўпланиб келамиз, ҳаётлигимиздаги маишатларни кўз олдимизга келтириб, уҳ тортишамиз. Одамларни лақиллатганимизни эслаб, хижолат чекишамиз. Қелганимга олти ой бўлган бўлса ҳам, жаннатга ўрганолмаяпман! Хўш, ўзинг нима қилиб юрибсан? Ахир сен мачитга бирор марта бўлса ҳам қадам босмаган йигит эдинг-кў?

— Тўғри айтасиз! Мен жаннатга лойиқ

киши эмасман, мен ҳали ўлганим йўқ, ҳали қиладиган ишларим кўп. Ота-онамга, халққа хизмат қилишим, ўз севганимга уйланишим, бола-чақалар кўришим керак! Мен севган қизнинг номи ҳам Жаннатхон! Мен уни ўз жаннатим деб биламан, у ёруғ дунёнинг жаннати! Мен уни бу жаннатларингизнинг саккизтасига алишмайман! Хайр, мен энди ўз юртимга қайтиб кетаман!

Абжаббордан «қайтиб кетаман» сўзини эшитган Нафсиддин қори домла заҳарханда қилди:

— Қайтиб кетишнинг иложи бўлса эди, бу жаннатда фаришталардан бошқа ҳеч ким қолмас эди!..

Абжаббор қўлларини имом домлага пахса қилиб тисарилди, сўнг бурилиб, келган томонга қараб югуриб кетди ва қаттиқ бақирди:

— Йўқ-йўқ! Мен бу ерда қололмайман, мен ўлган эмасман, ҳали менинг юрагимда орзу-армонларим кўп. Мен ўз ҳалол меҳнатим билан халққа хизмат қилмоқчиман!..

* * *

Шаҳар касалхонасининг озода хоналаридан биридаги каравотда боши оқ дока билан чирмалган Абжаббор бир неча соатдан бери ҳушсиз ётар, ҳарорат баланд, алланималарни сўзлаб, аллакимлар билан жанжаллашар, гоҳ кулар, гоҳ йиғлар, аллакимларнинг номини пичирлаб, тилга олар, гоҳ ҳаллослаб, гоҳ жим қолар эди.

Хона эшиги олдида ота-она ва қариндошлар изтироб чекиб, кирган-чиққан медицина

ҳамширалари ёки доктордан Абжабборни сўраб билмоқчи бўладилар. Ҳу, нарироққа қўйилган стулда бир студент қиз ўз ташвишини ўзи ютиб, гоҳ кўзидаги ёшни рўмолча учи билан аста артиб, китоб варақлар, гоҳ кўзини хона эшигига тикканича узоқ хаёлга чўкар эди.

Орадан икки соатлар чамаси ўтгач, лабида табассум билан ҳамшира қиз хона эшигини очиб, нарида ўтирган қиздан бўлак, ҳаммани ичкарига таклиф қилди:

— Хурсандчилик! Абжалилов ҳушига келиб, кўзини очди. Кириб, ҳол сўрашларинг мумкин. Аммо сўзларингиз чўзилмасин!

Аввал ота-она, кейин сингил ва бошқалар кириб, каравотни ўрадилар ва ҳол-аҳвол сўрашиб, андак хурсандчилик кўз ёши ҳам қилиб олдилар. Абжаббор кўзи билан саломлашиб, лабига табассум олди. Навбатчи врач енгилликка тааллуқ деб, орага кулги аралаштирмоқчи бўлди:

— Юрагимизни ёрдингиз, ўртоқ Абжалилов! Қимлар билан жанжаллашдингиз, кимларни ҳақорат қилдингиз! Билмадим, улар сизни жаннатга таклиф қилган бўлсалар керак. «Ўзимнинг жаннатим бор, у ёруғ дунёнинг жаннати, мен уни севаман!» деб бақирдингиз!

Врачдан бу кулгили сўзларни эшитган бемор — Абжаббор мийиғида кулар экан, чол кампирга маъноли назар ташлаб, ташқарини имо қилди. Кампир ташқари эшикни очиб, ёлғиз изтироб чекаётган қиз томон юрди:

— Ҳой, оппоқ қизим! Жаннатхон сизми-сиз?..

Қиз кўзида ёши билан сўзсиз бош қимирлатиб, Жаннатхонлигини билдирди, кампир бориб қизнинг пешонасидан ўпди-да, хонани ишора қилди:

— Юринг, қизим! Бахтимизга Абжаббор кўзини очди. Сизни кўргиси келган шекилли, кўзи атрофга жовдираяпти.

* * *

Абжаббор сим улаш учун столбага чиқиб кетаётганда «Қошқа» сидирилиб кетиб, боши билан асфальтга тушди, уни тезликда медицина машинаси шаҳар касалхонасига олиб борди, бу ота-она ва қариндошларга эшитилиб, улар ҳам етиб келдилар. Орадан кўп ўтмай Абжабборнинг бўлажак қайлиги, алоқа институтининг студенткаси Жаннатхонга ҳам бу гап эшитилиб, у ҳам ўқишдан касалхонага югурди. Икки соатдирки, Абжаббор ҳушсиз, ҳарорат зўридан безовталаниб аллақандай гиёҳсиз саҳро, аллақандай тўрттинчи жаннатларда кезиб юрган эди.

Тепасида жилмайиб турган Жаннатхонга у ҳам кулимсиб қўйди.

РОЗИҚ СУФИ

(Аччиқ хотира)

Бозорда харид қилиб юрсам, хўппа семиз, оппоқ соқол, қўлтиғида ҳасса, шошилган ўрта бўйли бир кекса соқов ёнимдан келиб, елкамга қоқиб, имо билан хайр қилишимни илтимос қилди, мен ҳам дарҳол чўнтагимдан майда пул чиқариб тутқиздим. Бу воқеа бу шаҳарга янги кўчиб келган йилим содир бўлган эди.

Орадан икки-уч ой ўтгандан кейин бир оғайним билан боғ сайилидан қайтиб кела туриб, чекка маҳалладаги мачит жиловхонасида мен ўша кекса соқовни учратиб, ҳайрон бўлдим: усти башанг, бошида катта салла, ўзи тенгқур бир намозхон билан барала гаплашиб турар эди. Ихтиёрсиз тўхтаб, анқайиб қолганимни сезган ҳамроҳим енгимдан тортиб йўлга бошлади:

— Нимага анқайиб қолдинг?

Мен унга анқайиш сабабини сўзлаб бердим:

— Ахир, бундан икки-уч ой олдин усти-боши хароб соқов одамга бозорда хайр қилган бўлсаму, бугун уни усти башанг, тили бийрон кўриб ҳайрон бўлмайми?

Оғайним кулиб юборди:

— Бу одамни танитайсанми?

— Бу шаҳарга кўчиб келганимга йил бўлгани йўғу, қаёқдан танийман?

— Бу одамни Розик сўфи дейилади, бу одамнинг сену мендек икки-уч қўлидан иш келадиган тавоно ўғиллари бор, ҳозир ўзига тинч одам!

— Тавоно ўғиллари бор, ўзига тинч одам!.. Кечирасан, бўлмаса, бозорда мендан чақа сўраб олган одам шу одамга ўхшар экан. Ўзи ҳам соқов эди!..

Оғайним менга қараб яна кулди:

— Соқовлиги ҳам тўғри, чақа сўрагани ҳам тўғри! Адашганинг йўқ! Ўша одам шу!

Оғайним то маҳаллага етиб келгунча Розик сўфи ҳақида менга оғзаки справка бериб келди, мен ҳам кела-келгунча унга бир оғиз луқма ташламай, иштиёқ билан қулоқ солиб, йўл босдим.

Розик сўфи шаҳар ўртасидаги мачитга ёшлик йилларида узоқ йил сўфилик қилиб, ном чиқарди. Мачит деб аталган бу кичик мадрасада ҳар йил қиш атрофдан муллаваччалар келиб, таҳсил кўрар эдилар. Лекин тез-тез келиш йўқолиб, жойнамоз ўғирланиб, ўтин камайиб турар, қашшоқ муллаваччалар бу ўғрини ташқаридан гумон қилиб, Розик сўфига шикоят қилар эдилар.

Бир куни мударрис домланинг офтобга ёйиб қўйган кўрпаси йўқолди, муллаваччалар излаб ҳар томонга чопдилар: топилмади, гузарда бир киши Розик сўфи бир кўрпани кўтариб, бозор томонга кетаётганда кўрганини айтгандан кейин, муллаваччалар қолиб, му-

даррис домланинг ўзлари ҳаллослаб бозорга чопдилар.

Эски бозорда Розик сўфи бир мусофирдан пул санаб олиб, барака топ қилаётганда қўлга тушди, кўрпа эгасига қайтарилди, ҳар томондан Розик сўфига лаънат ёғилди, парво қилмай, мударрис домланинг қўлтиқларидан кўрпани олиб, бирга мачитга қайтиб келди ва кўрпани ҳужрага олиб кириб ташлаб, яна мударрис домлани айблаб бошлади:

— Жудаям бепарвосиз, домла! Яп-янги кўрпани мачит ялангига ёйиб қўйиб, хотиржам ўтирганингизни қаранг! Бирорта ўғри кириб, олиб чиқиб кетса нима бўлар эди?!

Сўфининг бу дўқини эшитгандан кейин домланинг жаҳли чиқиб кетди ва ҳужрани бошига кўтариб бақирди:

— Сиз сўфи борсиз деб, хотиржам ёйиб қўйган эдим-да!

— Шунчалик ишонганингиз учун раҳмат,— деди сўфи домлага таъзим қилиб,— мен ҳам сизнинг ишончингизни оқлаш учун, бирорта ўғри олиб чиқиб кетса хижолат тортиб юрмай деб, бозорга олиб бориб, сотиб юбора қолган эдим.

Бу, ана шу эҳтиёткор Розик сўфи! Уни маҳалла сўфиликдан бекор қилиб қўйгач, унчамунча чакана ўғирлик билан умр ўтказиб, бир неча бор қамалиб келгандан кейин, иложини қилиб, бир магазинга кечки қоровул бўлиб олган эди. Ундан ҳам ишқал чиқариб, думи тугилди-да, яна бир айланиб мачитга сўфи бўлиб қолди.

Йиллар ўтди, ўғиллар балоғатга етиб, заводларга ишга жойландилар, ота бечорани

ўртага олиб, энди ўғилларнинг давлатида, уларнинг топганига қаноат қилиб, тинч яшашни илтимос қилдилар, бошдан-оёқ янги кийим-бош кийинтириб, чўнтагига чой чақа солиб қўйдилар.

Розиқ сўфи расмий жиҳатдан сўфиликни тарк қилиб, ўғилларнинг сояи-давлатида, одамларга «пири бадавлатман!» деб мақтаниб қўйса ҳам, ўрганган кўнгил экан, гоҳ-гоҳ бозор айланиб, эски чопон кийиб, соқов бўлиб, мусофирлардан тиланади!

Суҳбат шу ерга етганда иккимиз икки томонга ажралиб кетишга тўғри келиб, Розиқ сўфининг ўғиллари оталарининг бу қилиқларидан хабардормилар ё хабарсизларми, бу ҳақда гаплашолмай қолдим...

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Дами чиқиб кетди | 5 |
| Мирзағафлат | 14 |
| Ҳаммаҳаллалар | 20 |
| «Обруйим тўкилади!» | 25 |
| Мавлави Мирсидиқнинг ижодлари | 35 |
| «Етмиш процент» | 41 |
| Парранда пайров | 51 |
| Жаннат | 55 |
| Розиқ сўфи (аччиқ хотира) | 67 |